

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 002.707/8.085 (584.4)**

АБДУЛЛАЕВА МОХИГУЛ

Иқтисодиётга оид асарларнинг тили ва услуги

**5A220104 – Ноширлик иши ва муҳаррирлик
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
ф.ф.н. доц. З.Тохиров**

Тошкент - 2013

Мундарижа

Кириш.....	
Асосий қисм	
1-боб. Асарлар, тури ва таҳлили	
1.1. Илмий асарлар таҳлили.....	
1.2. Илмий-оммабоп адабиётлар таҳлили.....	
1.3. Иқтисодга оид ўқув адабиётлари.....	
2-боб. Иқтисодий адабиётларнинг таҳрири: тил ва услуб масалалари	
2.1. Иқтисодга оид матнлар таҳлили.....	
2.2. Иқтисодга оид матнлар таҳририда мантикий таҳлилдан фойдаланиш....	
3-боб. Иқтисодга оид адабиётлар таҳририда терминология масаласи	
3.1. Ўз қатламга оид терминларнинг таҳлил ва таҳрири.....	
3.2. Ўзга қатламга оид терминларни қўллаш.....	
Хулоса.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мустақиллик йилларида республикамизнинг иқтисодий ҳаётида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларни ва бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кескин ўзгаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, тадрижий йўл билан, ижтимоий ҳимояни кучайтириб, бозор иқтисодиётига ўтиб бормокда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий – йўналтирилган янги иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган.

Юртимизда таълим тизимини ислох этишнинг асосий вазифаларидан бири – бу тизимни ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштиришдан иборат.

Иқтисодий йўналиш бўйича таълим олаётган талабалар, иқтисодий фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган кичик ва ўрта бизнес асосларини чуқур ўрганишлари лозим. Акс ҳолда ёшларнинг онгида иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили бўлган кичик ва ўрта бизнесга, тадбиркорликка, умуман, иқтисод соҳасига нисбатан кескин ижобий муносабат шаклланмайди.

Айнан мана шуни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий адабиётларни ёзишга бўлган эътибор ўзгарди. Илмий, илмий-оммабоп услубда бўладими, албатта, асарларнинг ёзилиш тартибига, тили, услубига алоҳида эътибор қаратилди. Аммо шундай бўлса-да, ўзбек тилида кичик ва ўрта бизнес моҳиятини, республикамизда уни вужудга келтириш тарихини, хусусиятларини, ривожланиш қонуниятларини, ҳуқуқий асосларини кўрсатиб берувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалар етарли эмаслигини кўриш мумкин. Ёки баъзи иқтисодий асарлар эса ўзининг мураккаблиги, асосан, илмий услубда ёзилганлиги билан фойдаланувчига етарли даражада мураккаблик туғдириши мумкин. Мавзунинг “Иқтисодий асарларнинг тили ва услуби” деб номланишига ҳам асосий сабаб шу.

Диссертация мавзуси ёзилган илмий, илмий-оммобоп услубдаги иқтисодий асарларнинг тили, услуби деярли бошқа соҳа мутахассислари учун қийинчилик туғдиради. Бу мураккаблик иқтисоднинг ҳар бир тармоғини ўзлаштиришга тўсқинлик қилиши табиий. Шунингдек, терминлардан фойдаланиш ҳам баъзи адабиётларда асар учун камчиликларни юзага келтиради. Диссертация мавзуси ҳам айнан мана шунга асосланган.

Мавзу долзарблиги эса иқтисодий асарларнинг тили, услубига эътибор қаратиш, терминлардан тўғри ва ўринли фойдаланиш, соҳанинг ҳар бир тармоғида яратилган асарларнинг ўзига хослигини белгилаш, шунингдек, ёзилган адабиётларнинг услубига эътибор берган ҳолда сўзлар, гап, жумлалардан фойдаланишдир.

Тадқиқот объекти ва предмети сифатида ёзилган иқтисодий адабиётларни мисол келтириш мумкин. Яъни илмий, илмий-оммобоп иқтисодий адабиётлар ва дарсликлар асосий объект ва предмет вазифасини ўтади.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари:

Иқтисодий адабиётлардан, одатда, соҳа мутахассислари фойдаланишади. Улар айнан иқтисодчиларга мўлжалланганлиги учун мураккаб, илмий услубда ва шунингдек, изоҳсиз терминлар берилганлиги сабаб бошқа фойдаланувчининг етарли даражада билим олишига тўсқинлик қилади. Ўқув қўлланмалар, дарсликларнинг мураккаблиги ҳам билим олишни чеклаб қўяди. Баъзи дарсликларда эса жумлалар илмийлиги ўз ҳолича сақланган. Моҳиятига ҳам эътибор қаратилмаган. Айнан мана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Иқтисодий асарларнинг тили ва услуби” мавзули диссертация танланди.

Диссертациянинг асосий вазифаси — ҳар бир иқтисодий адабиётларни тил ва услуб жиҳатидан алоҳида қисмларга ажратиш, уларга қўйилган талабларни кўрсатиб ўтиш, дарслик, ўқув қўлланмаларнинг ўзига хослигини белгилаш, уларинг илмий, илмий-оммобоп иқтисодий

адабиётлардан фарқли жиҳатларини изоҳлаш, асосийси, формула, терминлар моҳиятига бўлган эътиборнинг ижобий нукталарини кўрсатишдир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари – иқтисодий асарларни тил, услуб томондан ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Яъни ҳар бир асарни илмийликка таянган ҳолда моҳиятини кўрсатиш, мисоллар асосида очиб беришдир.

Диссертация мавзусини ёритиб беришда, аввало, илмий, илмий-оммабоп иқтисодий адабиётлар, ўқув қўлланма, дарсликлар асос бўлди. Хусусан, “Эркин иқтисодиёт тамойиллари”, Н.Тўйчиевнинг “Бизнесда иқтисодий математика усуллари”, Равшан Файзуллаевнинг “Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида”, Низомиддин Ҳайдаровнинг “Молия”, “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” илмий, С.С. Ғуломов, профессор Ш.Р.Калановалар таҳрири остида нашр этилган “Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент”, З.Содиқовнинг “Бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш йўналишлари” илмий-оммабоп ва М.С.Мирсаидовнинг «Тадбиркорлик асослари», Т.Эргашевнинг «Бозор иқтисодиёти» дарсликларнинг ўзига хослиги, камчилиги мисоллар билан изоҳланган. Шунингдек, керакли ўринларда кўшимчалар киритиш, уларни изоҳлаш мақсадида ҳам президент асарларидан, З.Тоҳировнинг “Адабий таҳрир”, И.Тошалиевнинг “Адабий таҳрирнинг мантикий асослари”, Л.Тошмуҳамедова ва С.Шомақсудоваларнинг “Махсус лексика” сингари адабиётларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотни ёритиб беришда, асосан, илмий-оммабоп ва илмий услубдан фойдаланилди. Ҳар бир жумла ва сўзларнинг ўзаро уйғунлашгани, мисоллар асосида очиб берилганлиги ишнинг илмий услубда ёзилганлигини кўрсатиб туради.

Тадқиқотни ёзиш жараёнида албатта мавзу чуқурроқ ўрганилиб, мисоллар асосида кўриб чиқилди. Назарий аҳамияти шундан иборатки, ҳар

бир иқтисодий адабиётларнинг камчилиги, ютуғи, керакли қирралари, термин ва атамаларнинг қўлланилиши, уларнинг изоҳига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ёритиб беришда бошқа тур адабиётлари ҳам асос вазифасини ўтади. Назарий жиҳатидан ўрганилган асарлар амалий томондан ҳам таҳлил қилинди, яъни мисолларда очиб берилди. Асарларни ўрганиш жараёнида камчилик айтилгач, мисол асосида кўрсатилди, шунингдек, асар ютуғи ҳам кераклича исботланди ва ўз ўрнида таклифлар ҳам билдириб ўтилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги – ёзиладиган кейинги иқтисодий адабиётларга эътибор билан ёндашиш, терминларнинг изоҳини кўрсатиш, илмий-оммабоп услубда ёзиш ва ҳар бир фикрни далиллар мисолида кўрсатишдир.

Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Боблар фаслларга бўлинган бўлиб, яъни 1-боб “Асарлар, тури ва таҳлили” деб номланган. 1.1. “Илмий асарлар таҳлили”, 1.2. “Илмий-оммабоп адабиётлар таҳлили”, 1.3. “Иқтисодга оид ўқув адабиётлари” бўлиб, бу бобда иқтисодга оид ҳар бир тур адабиёти таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисод соҳасидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар ўрганилган, мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Улар ўртасидаги фарқли қирраларига ҳам эътибор қаратилган. Адабиётлар учун керакли талаб ва таклифлар қўйилган. Бобни ёритишда Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидан ҳам фойдаланилган.

2-боб “Иқтисодий адабиётларнинг таҳрири: тил ва услуб масалалари” деб номланган бўлиб, 2.1. “Иқтисодга оид матнлар таҳлили”, 2.2. “Иқтисодга оид матнлар таҳририда мантиқий таҳлилдан фойдаланиш”. Бу бобнинг моҳиятида иқтисодга оид матнлар адабиётлардан келтириб ўтилган бўлиб, уларга илмий жиҳатидан ёндашилган ва ҳар бир қирралари таҳлил, таҳрир қилиб борилган. Матнларни таҳлил қилишда услубга, тил масалаларига, сўзларнинг қўлланилишига, уйғунлашганлигига эътибор қаратилган.

Матнлар таҳририда мантикий таҳлилдан ҳам фойдаланилган. Қонуниятлар асосида мисоллар кўрсатиб ўтилган.

3-боб “Иқтисодга оид адабиётлар таҳририда терминология масаласи” бўлиб, 3.1. “Ўз қатламга оид терминларнинг таҳлил ва таҳрири”, 3.2. “Ўзга қатламга оид терминларни қўллаш” деб аталган. Бу боб ва фаслларида асарларда келтириб ўтилган терминлар алоҳида изоҳлаб ўтилган, яъни уларнинг моҳиятининг аниқлигига, изоҳига илмийлик жиҳатидан ёндашилган.

Деярли барча иқтисодий адабиётларда терминлар моҳияти берилмайди. Бу эса матнни тушуниб олиш учун қийинчилик туғдиради. Айнан мана шу 3-бобда терминларни қўллаш, уларнинг изоҳини келтириш хусусида сўз олиб борилган. Баъзи ўз ва ўзга қатламга оид терминларни қўллаш, уларнинг асл моҳияти хусусида ҳам фикрлар бериб борилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида ишнинг илмий, амалий аҳамияти, муаммо, унинг ечими кўрсатиб ўтилган.

1 БОБ. АСАРЛАР, ТУРИ ВА ТАҲЛИЛИ

1.1 ИЛМИЙ АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодга оид асарлар илмий адабиётлар сирасига киради. Бундай нашрлар тадқиқий ишлардир. Улар назарий, тажрибавий, тадқиқий ишлар тавсифи ёки натижаларидан иборат бўлади. “Илмий монография, диссертация автореферати, маърузалар тезиси, илмий ишлар тўплами, илмий конференция материаллари ва бошқалар тарзида нашр этилади.”¹

Илмий адабиётларни яратиш жамият маданий, маърифий ва маънавий шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, иқтисодга оид адабиётларнинг ўрни бекиёс. Кучли ҳуқуқий давлатдан фукаролик жамиятга ўтиш, ҳар бир фукаронинг билим савияси, онги юксак даражада бўлиши билан боғлиқ экан, айнан илмий адабиётлар тобора юксак аҳамият касб эта боради.

Барча тур илмий адабиётлардаги каби иқтисодга тааллуқли билимлар илмийликка асосланган ва факт-далилларга таянган ҳолда берилади. Матн баёни ва берилган маълумотларнинг аниқлиги билан ажралиб туради. Иқтисод соҳасига хос бўлган илмий, амалий янгиликлар, замонавий назариялар, қарашлар, билим ва кўникмалар баён этилади, шунингдек, ютуқ, камчиликлар таҳлил қилинади.

Иқтисод ўзи нима? “Кишилар томонидан меҳнатни қўллаган ҳолда инсон учун зарур бўлган неъматлар, ҳаёт шароити ва воситаларни яратиш орқали тирикчиликни таъминлаш, эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган хўжалик воситалари, объектлар, жараёнлар мажмуи.”² Айнан мана шу кабиларни ўрганиш, таҳлил қилиш, оммага етказиб бериш вазифаси иқтисодга оид асарларда ўз аксини топади. Шунингдек, иқтисод ва унинг турлари билан боғлиқ бўлган адабиётларда иқтисодий ҳодисаларнинг яхлитлиги, иқтисодий тизим ҳосил этиши, уларнинг бири-бирига таъсир кўрсатиши, иқтисодий воқелик қотиб қолган ҳолда эмас,

¹ Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б.302.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 4-ж. – Б. 333.

балки ривожланишда, сиёсатнинг иқтисодга кўрсатадиган таъсири баён этилади.

Иқтисодий тушунчалар – иқтисодиётни ўрганишда қўлланиладиган назарий билимлар бўлиб, улар мавжуд иқтисодий воқеликнинг илмий ифода топишидир. Улар икки гуруҳга бўлиб ўрганилади:

Умумиқтисодий тушунчалар – иқтисодий тараққиётнинг ҳамма босқичларига хос тушунчалар.

Айрим ижтимоий-иқтисодий тизимга хос тушунчалар.³

Иқтисодга оид асарда ҳар бир тушунча, асарнинг тури, мақсад, вазифасига кўра берилади. Янги терминларнинг қўлланилиши, маъноси тўғрисида тузилган иқтисодий луғатлар эса иқтисодга оид терминларнинг моҳиятини аглашга ёрдам беради.

Иқтисод кўп тармоқли соҳа ҳисобланади. Яратилажак асарлар айнан унинг тармоқларидан келиб чиққан ҳолда илмий, илмий-оммабоп, ўқув адабиётлари сифатида яратилади. Соҳа кенг тармоғига кўра бу тур адабиётлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Банк ва банк иши;
2. Бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш;
3. Микро ва макроиқтисод;
4. Пул, кредит;
5. Молия ва менежмент;
6. Маркетинг ва бозор муносабатлари;
7. Иқтисодий-математик методлар, моделлар.

Иқтисодий адабиётларнинг бу турларини илмий, илмий-оммабоп, ўқув адабиётлари сирасига киритиш мумкин. Уларни ёзишда албатта қўйиладиган талабларга амал қилиш зарур.

Банк ва банк иши тўғрисида М.Йўлдошевнинг “Банк ҳуқуқи”, Б.Абдуғаниевнинг “Молиявий манбалар ва банк кредитлари

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 4-ж. – Б. 333-334.

самарадорлигининг муаммолари”, Ш.Абдуллаеванинг “Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш”, О.Абдусаломованинг “Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари” каби кўплаб адабиётларни мисол келтириш мумкин. Шунингдек, бу тур адабиётларига қўшимча равишда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа кўплаб қонун, қарор, фармонларни мисол қилиб келтириш мумкин.

М.Йўлдошев, И.Турсунов бошчилигида чоп этилган “Банк ҳуқуқи” асарида банк ҳуқуқи тушунчаси, предмети, вазифалари, манбалари, субъектлари, Марказий банк, бошқарув органлари, тижорат банклари, уларнинг белгилари, ваколатлари, шаклланиши, ҳисоб-китоб тушунчаси, шунингдек, банк фаолиятига оид ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилиш хусусида илмий маълумотлар берилган. Ушбу илмий адабиёт тўлақонли равишда бошқа илмий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда, шунингдек, далиллар мисолида ёзилган.

Асар ёзишда фақат илмий адабиётлардан эмас, балки қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳам назарий асос вазифасини ўтайди. Иқтисод, хусусан, банк ва банк ишига оид мавзулар қисм ва бобларга, боблар эса фаслларга бўлинган. Ҳар бир мавзуга чуқур ёндашилган.

Иқтисод ва унинг тармоқлари бевосита сиёсат, ҳуқуқшунослик ва бошқа соҳалар билан ўзаро боғлиқдир. Айнан мана шу “Банк ҳуқуқи” иқтисодий адабиётини таҳлил қилиш жараёнида шунинг гувоҳи бўлдики, асарда мавзулар, иқтисодий маълумотлар сиёсий, ҳуқуқий билимларга таянган ҳолда берилган.

Юридик шахслар томонидан банклар билан ҳисоб-китоб варағи шартномасини тузиш, улар учун ҳисоб варағлари очиш билан боғлиқ бўлган тартиб-тафсилотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

томонидан 1997 йил 28 март куни тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб варағи тўғрисида”ги йўриқномада баён этилган.⁴ Айнан иқтисодий билимларни ўзлаштириш, уларни мукамал эгаллаш мақсадида бўлган омма албатта мана шу иқтисодий адабиётлардан ўзига керакли ва етарли маълумотларни олиши мумкин. Адабиёт моҳиятини айнан унинг номидан билиш мумкин, яъни банк иши билан шуғулланувчи фуқаронинг ҳуқуқлари, талаблари адабиётда берилган маълумотларда мужассамланган. Адабиётнинг сўнгги саҳифаларида атамалар луғати берилган. Аммо баъзи мавзуларни ёритишда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бошқа илмий адабиётлардан келтирилган маълумотлар изоҳи берилса-да, алоҳида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилмаган. Бу эса унинг кўриниб турадиган кичик бир камчилиги ҳисобланади.

“Банк ҳуқуқи” деб номланган А.Зуляровнинг китоби юқорида таҳлили қилинган адабиётдан тубдан фарқ қилади. Бу асарда М.Йўлдошевнинг “Банк ҳуқуқи” адабиётидан фарқли равишда маълумотлар, илмий қарашлар кенгроқ ёритилган. Ўн бир бобдан иборат мазкур адабиётда нафақат банк ҳуқуқи тушунчаси, принцип ва ўзига хос масалалари, балки қимматли қоғоз операцияси, пул, кредит, касса операцияларига оид ҳуқуқий муносабатлар, аудиторлик фаолияти, ҳатто чет эл инвесторларининг ҳуқуқий фаолияти, қонун, фармон ва қарорлар берилган.

Ҳар иккала асар ҳам “Банк ва банк иши билан шуғулланувчи” ходимлар, мутахассис, талаба-ёшлар учун мўлжалланган ўқув адабиёти ҳисобланади. Аммо асарлар бир-биридан мазмун-моҳияти, бобларнинг номланиши, тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Ҳатто дизайни ҳам ҳар бириники ўзига хослиги билан ажралиб туради. “Банк ҳуқуқи” иқтисодий адабиётида мавзуларга кенгроқ ва чуқурроқ ёндашилган. Бошқа илмий адабиётларга хос бўлган фактларнинг берилиш бу адабиётда ҳам аниқ

⁴ Йўлдошев М., Турсунов Й. Банк ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2000. Б.67.

сезилади. Асосан назарий маълумотлар учрайди. Мавзуларга чуқурроқ ёндашилган, аниқ очиб бериш мақсадида ички тур ва гуруҳларга бўлинган. Мавзуда четга чиққанлик кузатилмайди.

Хазина мажбуриятларининг қуйидагилардан иборат эканлиги кўрсатилади:

- *Узоқ муддатли – беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган;*
- *Ўртача муддатли – бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган;*
- *Қисқа муддатли – бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган;⁵*

Бу каби фикрларнинг келтирилиши ҳар бир фойдаланувчининг тушунчага эга бўлиши учун қулайлик яратади.

Иқтисодга оид ҳар қандай асар, шубҳасиз, илмий адабиётдан фойдаланилган ҳолда яратилади. Булар банк ва банк иши билан боғлиқ бўлган турлари соҳа вакиллари учун керакли манба вазифасини ўтайди. Шунга кўра улар соҳавий асарлар ҳисобланади.

Бизнес – иш, машғулот, тадбиркорлик фаолияти, муайян натижаларга эришиш мақсадидаги иқтисодий фаолият. Бизнес умумиқтисодий термин бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият соҳалари ва иқтисодий манфаатлари.⁶

Тадбиркорлик – капитал сарфлаб товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолият, ер, меҳнат, капитал, ахборот билан бир қаторда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг бош омилларидан бири ҳисобланади.⁷

Иқтисоднинг юқорида таърифи келтирилган икки тармоғининг ўзига хос қирраларини билиш учун мазкур тур адабиётларнинг ўрни бекиёс. Иқтисодиётнинг бу тармоғига оид кўплаб илмий, ўқув адабиётларининг

⁵ Зуляров А. Банк ҳуқуқи. –Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б.111

⁶ Ўша китоб. Б.124.

⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 8-ж. – Б. 224.

бизнес, хусусан, тадбиркорликни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришда ўрни жуда катта. Кичик бизнесга оид Қ.Эгамбердиевнинг “Кичик бизнес: солиқ имтиёзлари ва самаралари”, О.Ариповнинг “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш”, Ё.Абдуллаевнинг “Тадбиркорликнинг ташкилий асослари”, “Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари”, С.Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес”, Х.Раҳмонқуловнинг “Бизнес ва тадбиркорлик сирлари”, И.Зокировнинг “Тадбиркорлик: манфаат ва масъулият”, А.Нигматовнинг “Тадбиркорликнинг экологик – ҳуқуқий асослари”, А.Абдуллаевнинг “Тадбиркорлик молияси”, Э.Эгамбердиевнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”, Ж.Рўзиевнинг “АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар” каби асарлари мавжуд.

Бозор муносабатига ўтиш билан кичик бизнесга бўлган эътибор кучайди. Шунга кўра бу борада кўплаб адабиётларга эҳтиёж сезилди. Уларнинг таҳрири масаласи долзарб бўлиб қолди.

Республикамизда кичик ва ўрта корхоналарни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг олдига қўйилган талаблар бисёр, ҳуқуқлари, мажбуриятлари қонун доирасида белгиланиб қўйилган. Ҳатто афзалликлари ҳам мавжуд, юқорида санаб ўтилган адабиётларда айнан мана шулар тўғрисида баён этилган.

Фақат илмий - иқтисодий адабиётларгина эмас, балки қонунчилик ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ҳам кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради. Шунга кўра булар нашри жуда зарур ҳисобланади.

Албатта ҳар бир адабиётни ёзишда унга қўйилган талабларга тўла риоя этиш лозим. Бу адабиёт таҳрирининг муҳим талабларидан ҳисобланади. Иқтисодга оид адабиётда иқтисодий терминлардан фойдаланилади. Терминлар эса асосан чет тилларга оид. Таҳрир жараёнида

улар аудитория учун тушунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов томонидан ёзилган “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”да тадбиркорликнинг ташкилий асослари, бошланғич бўғини, кичик ва ўрта бизнес, якка ва хусусий тадбиркорлик, умуман, уларнинг ички турлари ҳақида маълумот берилади. Ҳар бир мавзунинг асосий унсури ажратиб кўрсатилган. Савол ва топшириқлар ҳам берилган. Энг асосий жиҳати шуки, мавзуларнинг барчаси савол тарзида эълон қилинган. Бундан эса фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни тез ва осон топа олади. Асар шу тур қўйиладиган талаблар даражасида.

“Акциядорлик жамиятини ташкил этиш тартибини биласизми?”, “Кичик ва ўрта бизнеснинг афзалликлари нимада?”, “Тадбиркорликнинг қандай шакллари биласиз?”, “Якка тадбиркорликнинг моҳияти нимада? У қандай турларга бўлинади?”, “Хорижий корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?” каби саволлар мавзулар мазмунига мос танланган.

Айнан бу адабиётда сарлавҳага алоҳида эътибор берган десак, адашмаган бўламиз, яъни сарлавҳа услубиятига бўлган эътибор етакчи ўринда туради. Бу тўғрисида кейинги ўринларда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ж.Рўзиевнинг “АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар” асарида бизнес ва тадбиркорликнинг Ўзбекистондаги ҳолатинигина эмас, балки Америка Қўшма Штатларидаги ҳолати тўғрисида ҳам ёзилган.

Унда Америка Қўшма Штатлари тадбиркорликда юксак ҳуқуқий маданиятга ва савдо-сотиқ муносабатларида тартиб қоидага эга бўлган мамлакат эканлиги билан бир қаторда, баъзи камчиликлари очиб берилган, давлатдаги иқтисодга бўлган эътибор, тадбиркорлик фаолиятининг юқори рейтингга эга эканлиги назарий жиҳатдан ёритилган. АҚШда тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, шартнома тузиш сирлари, акциялар тарқатиш тартиби, имтиёзлар, патентлар, иш

берувчининг ишчи ва хизматчилар билан ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида илмий-назарий маълумотлар жой олган.

Асарнинг хулоса қисми, сўнгги саҳифаларида изохли луғати учрамайди. Ваҳоланки, баъзи терминлар маъноси, сўз ва изоҳи барча фойдаланувчи учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда бошловчи тадбиркорлар ва кичик бизнес билан шуғулланувчилар учун тушунарли бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу тур иқтисодий адабиётларни яратиш жадал суръатлар билан ҳозирги кунда ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, 2001 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланганидан сўнг адабиётлар чиқариш сони тобора кўпайиб бормоқда.

Иқтисодга оид ҳам илмий, ҳам таҳририй жиҳатдан пухта адабиётлар табиийки адабиётлар иқтисодий билимларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, микро ва макроиқтисодга оид яратилган адабиётлар бунга яққол мисол бўла олади.

Микроиқтисодга оид асарлар – ҳўжалик механизми қандайлигини билишга қизиқувчилар учун мўлжалланган бўлади. У асосан кичик бизнес нима эканлигини аниқ билиш ва уни бошқариш юзасидан муайян қарорга келиш, ижтимоий сиёсатни белгилаш, замонавий иқтисоднинг амал қилиш механизмини англаш учун керак. У моҳиятан ҳўжалик механизмида юз берган жиддий ўзгаришларни қамраб олади. Фирмаларнинг биргаликдаги стратегик ҳаракатга, ноаниқлик ва ассиметрик ахборотнинг ўрнига, бозор иқтисодиёти шароитида нархларни шаклланиш стратегиясига бўлган қизиқиши тобора кўпайиб бормоқда. Бу кабиларни матбуот саҳифаларидан топиш жуда мушкул. Айнан мана шу масалаларни микроиқтисодга оид адабиётларда бериш лозим. Шу билан бирга асарлар кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар учун тушунарли бўлиш талаб этилади.

Микроиқтисодга оид Э.Эгамбердиевнинг “Микроиқтисод”, И.Махмадиевнинг “Микроиқтисодиёт”, С.Ғуломов ва бош.нинг “Микроиқтисодиёт”, Қ.Ҳамдамовнинг “Микроиқтисодиёт” ва чет эллик

олимлар Роберт Пиндайк ва Даниель Рубинфелднинг ўзбек тилидаги “Микроиқтисод” (тарж. Аҳмад Ўлмасов, З.Тоҳиров ва б.) каби адабиётларини мисол келтиришимиз мумкин.

Микроиқтисод меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари, фойзнинг ҳисоб ставкаси, ишсизлик, инфляция сингари умумиқтисодий кўрсаткичлар таҳлиliga бағишланган. Микроиқтисодга оид адабиётларда микроиқтисоднинг чегаралари, меъёрий таҳлиллари, истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати, даромад, бозор талаби, майда товар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш тўғрисида маълумот берилган. Ҳар бир қисм сўнгидан хулоса ўрин олган. Формула, чизма ва жадваллар тўлиқ ва тушунарли берилган.

$$\text{Таклиф: } Q = 14 + 2P + 0,25P$$

$$\text{Талаб: } Q = -5P + 3,75P$$

Бунда Q – трилл. Куб футга ҳисобланган газ миқдори; P - 1 баррель нефт нархи.⁸

Ёки

Математик шаклда ($MRTS$) = - фойдаланилган капитал миқдорининг ўзгариши/меҳнат сарфларининг ўзгариши, ёки

$$MRTS = - \Delta K / \Delta L$$

Бунда ΔK ва ΔL алоҳида изоквант (ёки доимий Q) даги капитал ва меҳнатнинг катта бўлмаган ўзгаришини ифодалайди.⁹

Адабиётни таржима қилиш жараёнида ҳар бир формула, иқтисодий атамаларга катта эътибор қаратилган. Уларга қўйилган ном ҳам эътиборга олинган.

Асардаги ҳар бир мавзу сўнгидан берилган хулоса қисми фойдаланувчининг керакли ва мавзу тўғрисидаги етарли маълумотга эга бўлиши учун туртки бўлади.

⁸ Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод. – Т.: Шарқ, 2002. Б.53.

⁹ Ўша китоб. Б.157.

Таржима адабиёт бўлганлиги сабабли қисқа изоҳлар кам берилган, матн баёни бундай изоҳларга ҳожат қолдирмаган. Ҳар бир мавзу моҳияти қисқа, аниқ очиб берилган.

Иқтисод фанлар номзоди, тажрибали педагог ва олим Эркин Эгамбердиевнинг “Микроиқтисодиёт” асарида ҳам иқтисодий назариялар, тармоқнинг ўзига хос қирралари ифодаланган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш, микроиқтисодиёт илмини янада ривожлантириш булар барчаси илмий адабиётлар, ўқув адабиётлари нашри билан боғлиқдир. Шу адабиётларда соҳанинг вазифалари, мақсади, корхоналарнинг иқтисодий моҳияти, фирмаларнинг тузилиши, хўжалик юритилиши хусусида сўз юритилган. Адабиётлар қўйилган талабларга жавоб бера олади. Мавзулар моҳиятига чуқур ёндашилган, назорат саволлари, таянч термин ибора ва сўз бирикмаларга изоҳланган, фойдаланилган адабиётлар қайд этилган. Шунингдек, мавзу моҳиятини чуқурроқ очиб бериш мақсадида чизмалар, жадваллар, тенгламалардан фойдаланилган.

$$L = \frac{P - MC}{P} = \frac{P - MC}{P} \quad \text{ёки} \quad L = \frac{P - MC}{P} = \frac{P - MC}{P}$$

Бунда, L - Лернернинг монопол ҳокимлиги индекси; MC - пировард харажат; R - монопол баҳо; Ed - талабнинг баҳо эластиклиги.¹⁰

Хусусан, тенгламаларнинг моҳиятини чизмалар асосида очиб бериш асарнинг ютуғини кўрсатиб туради.

Микроиқтисодиётга оид адабиётлар иқтисодиётнинг даслабки, ҳал қилувчи бўғини бўлган фирма, микрофирмалар, турли хил халқ хўжалиги

¹⁰Эгамбердиев Э. Микроиқтисодиёт. – Т.: Гафур Ғулом, 2005. Б.234.

соҳаларидаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги иқтисодий жараёнлар, иқтисодий қонунлар амал қилишини таҳлил қилишга ўргатади.

Макроиқтисодиёт эса аксинча, миллий иқтисодиётни яхлит ифодалайди, кенг қамровли иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўрганишга туртки бўлади.

Мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати ижтимоий ишлаб чиқариш, ишсизлик ва бандлик, аҳолининг моддий фаровонлиги даражаси билан белгиланади. Айнан мана шу жараёнларни ўрганиш макроиқтисодий адабиётлар билан бевосита боғлиқдир.

Корхона, фирма ва компанияларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, моддий, молиявий, меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, захиралар ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бундай вазифаларни тўлақонли равишда амалга оширишда соҳа адабиётларининг молия ва менежмент билан боғлиқ тури муҳим аҳамият касб этади.

Молия ва менежмент – иқтисоднинг асосий бўғини. Буларни илмий асосда ўрганиш ва ўргатиш давр тақозоси ҳисобланади.

И.Т.Абдукаримовнинг “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари”, Э.Эргашевнинг “Иқтисодий ва молиявий таҳлил”, А.Т.Иброҳимовнинг “Молиявий таҳлил”, М.И.Пардаев, Б.И.Исроиловнинг “Молиявий таҳлил”, М.М.Тўлаходжаеванинг “Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффицентларни таҳлил қилиш” каби асарлари молияга бағишланган бўлса, Д.С.Туляганованинг “Менежмент фанидан практикум”, “Менежмент социологияси ва психологияси”, Д.С.Қосимованинг “Менежмент назарияси” асарлар менежментга тааллуқли.

А.Ваҳобов, А.Иброҳимов ҳаммуаллифлигидаги остида ёзилган “Молиявий таҳлил” “Кредит”, “Халқаро валюта кредит муносабатлари”, “Давлат молиясини бошқариш”, “Солиқ”, “Аудит”, “Ташқи иқтисодий фаолият”, “Корхоналар молия менежменти” ўқув адабиёти турига киради. Уларда корхона, фирма, компанияларнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилишнинг услублари содда, тушунарли ёритилган. Шунингдек, корхона маблағларини, ташкил этиш манбалари, молиявий натижалари, кредитга лаёқатлилиқ, молиявий барқарорлик асосларини ўрганишга ёрдам беради.

Адабиётда бухгалтерия балансининг, дебеторлик, кредиторлик қарзларининг таҳлили, фирмалар фаоллиги, хусусий капиталнинг ўзига хослиги тўғрисида ҳам илмий маълумотлар берилган. Мавзу жадваллар ёрдамида ёритилган. Ҳар бир боб сўнгида мавзунини мустақил ўрганиш учун топшириқлар берилган. Муаллиф адабиётни ёзиш жараёнида бошқа илмий адабиётлар ва дарсликлардан ҳам фойдаланган. Назарий фикрлар мисоллар асосида далилланган.

Билимларни ўзлаштиришни аниқлаш учун тест, тест-топшириқлар сўнгги саҳифаларда берилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооператив алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади.¹¹

Маълумки, ҳар қандай фаолият тури менежмент асосида қурилади, чунки ҳар бир фаолиятни амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш, вазифаларни тақсимлаш, ижросини назорат қилиш каби вазифалар менежмент жараёнида ташкил этилади. Мана шу сингари жараёнларни ўрганишда менежментга оид адабиётларнинг ўрни жуда катта. Юқорида

¹¹ Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ, 21-сон.

кайд этилган адабиётлар соҳа адабиётлари бўлгани боис ҳам иқтисодга оид бошқа тур адабиётлардан фарқ қилади, уларда менежмент кирралари, вазибалари, иқтисодий усуллари, механизми ва бошқа асосий унсурлари ўз ифодасини топган. Адабиётда ҳар бир мавзунинг хулоса қисмга эга таянч иборалар кўрсатилган. Асосийси мавзунини мустаҳкамлаш учун тест топшириқлари билан бир қаторда мавзу бўйича терминларни танлаш каби топшириқлар ҳам ўрин олган. Иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати тўлиқ, батафсил берилган. Чизма ва жадвалларнинг берилганлиги мавзунинг асл моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Бу эса адабиётнинг ўқув адабиёти сифатини кўрсатади.

Бозор тараққиётида иқтисодий аҳамияти билан бирга, инсонларнинг маънавий юксалишига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келган. Инсон бозордаги савдо-сотиқ орқали товар харид қилишдан ташқари жиҳатдан ҳам қимматлаша боради. Айниқса, Шарқ бозорлари бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда мамлакат кишилари ўз ва жаҳон иқтисодиётидаги янгиликлардан баҳраманд бўлади, савдо маҳорати ва билимини янада оширишга ҳаракат қилади. Бу эса ихтисослашишга замин яратади. Ихтисослашувнинг самарали натижаларини ўрганиш эса бевосита бозоршунослик фаолияти билан боғлиқдир.

Маркетинг ва бозор муносабатлари тўғрисида яратилган адабиётлар айнан мана шу каби билимларни ўзлаштиришга талаб этилган. Ўзбекистоннинг иқтисодиёти мустақиллик даврида йилдан йилга тадрижий ривожланиб бормоқда. Аҳолининг турмушини янада фаровонлаштириш, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун янгидан янги имкониятларни очиш асосий масалалардан биридир. Бу ва бошқа инновацион технологиялар билан боғлиқ муаммолар айти бозоршунослик бўйича илмий адабиётлар бош мавзу қилиб белгиланиши бугунги кундаги ноширликнинг муҳим вазифасидир. Нашриёт уйлари йиллик ва истиқбол мавзули режаларини тузишда айнан мана шу турмуш ва жамият эҳтиёжини эътиборга олишлари лозим бўлади. Муҳаррирлар эса матн таҳлили ва

тахрири жараёнида муаллифлар юқорида қайд этилганларни қай даражада ёрита олганликларига алоҳида эътибор қаратишлари, зарур ҳолларда муаллифларга тегишли маслаҳатларни беришлари керак. Шундагина адабиётлар бозор иқтисодиёти шароитида етарлича қимматга эга бўлади.

Иқтисоднинг бу тармоғини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий, ўқув адабиётлари, шубҳасиз, ҳар бир фойдаланувчи учун зарурий илмий тадқиқий манба ҳисобланади. С.Салимовнинг “Маркетингни бошқариш”, А.Солиев ва С.Бузрукхоновларнинг “Маркетинг” асарлари маркетинг, унинг тизими, тавсиф ва турлари, ташкил этиш фаолияти, бозордаги рақобат муҳитини тадқиқ этиш истикболи, уларни режалаштириш ва бошқа масалалар алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, “Маркетинг” асарида юқорида санаб ўтилган масалаларга диққат билан ёндашилган. Тенглама, жадвал, чизмалар муаллиф томонидан ўринли изоҳланган. Мавзуни ўрганишга оид тест, назорат саволлари жуда ўринли ва ҳар бир мавзунинг интиҳосида берилган.

Муаллиф адабиётда мавзуни кенгроқ очиб бериш мақсадида чет эллик иқтисодчи олимларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтади. Асарда маркетинг вазифалари ва функцияларини гуруҳлаш тавсия этилгани таҳсинга лойиқ.

Х.Маффертнинг таъкидлашича, маркетинг хизмати бажарадиган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- 1. Корхона товари (хизмати)га бўлган талабни бошқариш, яъни бозордаги фаолияти билан боғлиқ вазифалар.*
- 2. Корхона ёки фирмани ўзининг фаолияти билан боғлиқ вазифалар.*
- 3. Атроф-муҳит ва жамоатчилик билан боғлиқ вазифалар.*

*А.Н.Раманов бошчилигида тайёрланган дарсликда маркетинг функциялари 4 гуруҳга бўлинган...*¹²

¹²Солиев А., Базрукхонов С. Маркетинг. - Т.: Иқтисод-молия, 2010. Б.56.

Умуман, адабиётда бозоршуносликнинг ўзига хос нуқталари тўлақонли равишда тушунарли қилиб ёритилган. Бу эса фойдаланувчининг маркетинг ва бозор муносабатларига тааллуқли бошқа адабиётларни ўзлаштиришга ҳам имкон беради.

Иқтисодга оид адабиётларнинг яна бир тури иқтисодий-математик методлар, моделлар хусусида бўлиб, бу тур адабиётни яратиш ўзига хос мураккабликни талаб қилади. Шундай бўлса-да, энг қизиқарли ва барчани фикрлашга чорловчи адабиёт эканлиги билан ажралиб туради.

“Иқтисодий-математик метод ва моделлар” – бундай адабиётда нималар ҳақида сўз боради?

Дарҳақиқат, иқтисод – мураккаб соҳа, ҳисоб-китоб амаллари ҳам унда мужассамланади, хусусан, бухгалтерияда айнан мана шу каби жараёнлар амалга оширилади. Бу тур адабиётларга Н.Тўйчиевнинг “Бизнесда иқтисодий математика усуллари”, М.Пардаев, Б.Исроиловнинг “Молиявий таҳлил”, О.Бобожоновнинг “Молиявий ҳисоб” каби илмий, ўқув адабиётлари мисол бўла олади.

Иқтисодни бошқариш, меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш захираларини тўлақонли равишда билиш, тайёр маҳсулотларни сотиш, корхона, ташкилот, муассасаларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш учун иқтисодий-математик усулларининг ўрни жуда катта. Айнан юқоридагиларни мукаммал ўзлаштириш учун О.Бобожоновнинг “Молиявий ҳисоб” асари асос вазифасини ўтайди.

Адабиётда ҳисоблаш амали билан боғлиқ бўлган мавзулар етарли даражада очиқ берилган. Улар мисол ва масалалар асосида изоҳланган. Амалларнинг барчаси жадваллар кўринишида берилган. Бу эса адабиётдан фойдаланувчи билимини янада мустаҳкамлаш учун кўмак бўлади.

Иқтисодга оид адабиётлар илмий, илмий-оммабоп, ўқув адабиётлари каби ички турларни ташкил этади.

1.1. Иқтисодга оид илмий адабиётлар.

Ҳар қандай илмий асарлар, шу жумладан, иқтисодга оид адабиётлар ҳам нашр этилишидан аввал таҳрирдан ўтади. Мухаррир учун эса ҳар бир илмий адабиётнинг нафақат таҳрири, балки таҳлили ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бадиий, иқтисодий, сиёсий адабиёт бўлади-ми, барчасини таҳрир қилиш жараёнида албатта уларга қўйилган талабларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, иқтисодга оид илмий адабиётлар таҳрири, таҳлили ҳам мураккаб жараёнлардан саналади. Уларни таҳлил қилишда соҳада оидликкина эмас, балки сўз қўллаш, терминология, сарлавҳа услубияти, композицияси, фактик материаллардан фойдаланиш кабиларга ҳам алоҳида эътиборли бўлиш талаб этилади.

Нашр этиладиган ҳар бир асар ўзининг шакли, мазмуни, услуби ва бошқа хусусиятларига кўра фарқланади. Демак, иқтисодий-илмий адабиётлар ҳам бошқа адабиёт турларидан ўзининг хусусиятлари, улар олдига қўйиладиган талаблар билан ажралиб туради. Буни нашрдан чиққан иқтисодий-илмий адабиётлар мисолида кўриш мумкин.

Иқтисодий-илмий адабиётларни таҳлил қилганда уларга қўйиладиган асосий талабни билиш муҳаррир олдига қўйилган асосий вазифадир. Бундай адабиётлар асосан факт ва далилларга таянади. Уларда бадиийлик, образлилик учрамайди.

Масалан, “Академия” нашриёти томонидан нашр этилган “Эркин иқтисодиёт тамойиллари”, Н.Тўйчиевнинг “Бизнесда иқтисодий математика усуллари”, Р.Файзуллаевнинг “Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида”, Н.Ҳайдаровнинг “Молия”, “Ўзбекистон Республикаси банк тизими”, М.Пардаевнинг “Молиявий таҳлил”, “Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими” каби иқтисодий - илмий адабиётларда барча маълумотлар фактлар асосида ёзилган. Жумлалар эса асосланган, содда гаплардан тузилган.

“Эркин иқтисодиёт тамойиллари” асарида ислохотларни янада чуқурлаштириш, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш,

микроиқтисодий сиёсат, иқтисодий ўсиш, мамлакатни модернизация қилиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари, аҳоли даромадларининг ўсиб бориши хусусида сўз боради. Асар яратиш жараёнида илмий адабиётларга қўйиладиган талабларга эътибор берилган. “Макроиқтисодий ўсиш” сарлавҳали қисмда барча маълумотлар фактларга асосланган.

*Ўзбекистонда ЯИМ (Ялпи Ички Маҳсулот) 11% га камайган. 1995 йилда эса 1,2% пасайган, холос. Ёки 2004 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ ишлаб чиқариш 119%, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 165,5%, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 131,2%ни ташиқил этади.*¹³

Ҳатто маълум бир мавзуни, хусусан, “Иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш” мавзуси “Нархларни эркинлаштириш”, “Молиявий иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш”, “Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш”, “Молиявий ислохотлар”, “Таркибий ислохотлар” ва бошқаларни очиб беришда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Мавзуни ўзлаштиришни осонлаштириш учун ҳар бир қисм ички бандларга бўлинган.

Н.Ж.Тўйчиевнинг “Бизнесда иқтисодий математика усуллари” асарида ҳам маълумотлар аниқ берилган. Математик амалларга таянган ҳолда ёзилган. Шу билан бирга ҳар соҳага оид бўлганлиги учун баъзи математик амаллар мураккаблиги билан фарқ қилади, соҳа мутахассислари учун тушунарли ҳисобланади.

Иқтисодий илмий асарларда фикрлар тарқоқ бўлмайди. Мавзуни очиб беришда кетма-кетликка таянади. Мантиқий боғланади. Ҳатто фактларни беришда тартибга амал қилинади.

Бозор иқтисодиётининг асосий унсурларидан бири бўлган молиянинг назарий масалалари ўз аксини топган, молиянинг иқтисодий моҳияти,

¹³ Эркин иқтисодиёт тамойиллари. – Т.: Академия, 2005. Б.16.

функциялари, молиявий сиёсатнинг стратегияси, тактикаси, молиявий бошқарув, бозор иқтисодиёти шароитида ундаги туб ўзгаришлар, қимматли қоғозлар ҳақида иқтисодий-илмий фикрлар баён этилган. Низомиддин Ҳайдаровнинг “Молия” иқтисодий-илмий адабиётида фикрлар мантиқан боғланган, маълумотлар қатъий кетма-кетликда берилган. Асарда асосий эътибор молия моҳиятининг замонавий назарий масалалари, уларни ривожлантиришнинг бош йўналишлари, молия тизимининг соҳалари, бўғинлари, ишлаб чиқаришдаги аҳамияти каби мавзулар чизма ва жадваллар асосида кенг ёритилган. Шунингдек, соҳага алоқадор илмий адабиётлардан ҳам ўз ўрнида фойдаланилган.

Равшан Файзуллаевнинг “Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида” асари шу тур адабиёт барча талаблари асосида ёзилган.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, янги ланишларнинг кенг истиқболлари очилди. Иқтисодий жараёнларга алоҳида эътибор қаратилди. Барча соҳаларда иқтисодий тарғибот ишлари олиб борилди. Айнан мана шу каби жараёнлар хусусида ёзилган “Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида” асарида шаҳар транспортининг иқтисодий тараққиёти, талаб ва таклиф, бошқариш механизми, бозор мувозанатининг юзага келиши ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Асарда “Йўловчи транспортининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари” мавзуси остида берилган материалда фактик материаллардан самарали фойдаланилган.

*Шу кунларда шаҳар транспортининг ҳаракат таркибида 1195 автобус ва микроавтобус, 250 та такси ҳамда юзлаб шахсий енгил автомобиллар мавжуд.*¹⁴

Ёки

“Тошшаҳар йўловчи транс” корхоналари пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатиши дастурларини бажариши мақсадида

¹⁴ Файзуллаев Р. Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида. – Т.: Меҳнат, 2001. Б. 21.

меҳнат қилиб, 1999 йилда 864 миллион йўловчи ташишга эришди.¹⁵ Аниқ фактларга таянган ҳолда берилган маълумотлар орқали барча мавзу моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, “Шаҳар транспорти саройини янгилаш учун олинган ва олинadиган эҳтиёж қисмлари”, “Тошкент шаҳар йўловчи транспортининг миқдори, салмоғи, сиғими”, “Йўналишларнинг умумий узунлиги, сони, транспорт ҳаракатининг мунтазамлиги”, каби мавзуларга жадваллар илова этилган.

Илмий, айниқса, иқтисодий-илмий адабиёт ёзганда илмий материаллардан, бошқа қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланилади. Деярли барча асарлар сўнггида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. Аммо Равшан Файзуллаевнинг “Шаҳар транспорти бозор иқтисодиёти шароитида” деб номланган иқтисодий-илмий адабиётида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилмаган. Мухаррир асарни таҳрир ва таҳлил қилганда мана шу каби камчиликларга эътибор қаратмаган.

Иқтисодий-илмий адабиётларда мазмун, мавзу турлича бўлса-да, шакл барчаси учун бир хил. Маълум қолип асосида ёзилади. Дастлаб мавзунинг тўлиқ таърифи берилади. “Бозор иқтисодига ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар” сарлавҳали матндан мисол келтирамиз:

*Молиявий режалаштиришнинг объекти – бу давлат ва хўжалик субъектларининг молиявий фаолияти ҳисобланади. Молиявий режаларнинг шакли корхоналар, муассасалар ва бирлашмаларни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш фаолиятидан келиб чиқиб алоҳида муассасанинг “Сметаси”дан бошлаб, давлатнинг “йиғма молиявий баланси”гача бўлади.*¹⁶

Ёки *“Ривожланган мамлакатларда бозор иқтисодиёти ва молиявий назорат” сарлавҳали матнда назорат – бошқарув тизимининг энг муҳим*

¹⁵ Ўша китоб. Б. 21.

¹⁶ Ҳайдаров Н. Молия. – Т.: Академия, 2001. Б.35.

бўғинларидан бири, унинг мақсадларига эришишида синалган воситадир,¹⁷
дейилади.

М.Пардаев ва Б.Исроилов ҳаммуаллифлиги остида нашр этилган “Молиявий таҳлил” услубий кўргазма ва тавсиялар албомида молиявий таҳлилнинг назарий асоси, қўлланиладиган усуллар, молиявий натижалар, таҳлил қилиш йўллари илмийликка таянган ҳолда берилган. Формулалар аниқ амалий маълумотларни қўллаш тарзида изоҳлаб берилган.

Ушбу адабиёт бошқа илмий адабиётлардан жуда катта фарқ қилади. Яъни маълумотлар, илмий материаллар матн кўринишида эмас, балки жадвал, чизмалар асосида берилган. Айнан мана шу тарзда маълумотни етказа олиш фойдаланувчи учун қулайлик яратади. Формулаларнинг берилиши илмий адабиёт учун хос бўлган асосий хусусиятдир. Айнан мана шу каби иқтисодий-илмий адабиётлар соҳа ходимлари учун мўлжалланган бўлади. Аммо “Молиявий таҳлил” адабиёти осон тушунилади. Асардан адабиётлар рўйхати ҳам ўрин олган.

Кўпгина иқтисодга оид илмий адабиётларда изоҳли луғат берилмайди. Бу эса адабиётда учрайдиган асосий камчиликдир. Тўғри, бундай адабиётлардан асосан шу соҳа вакиллари фойдаланади. Аммо улар матнида шундай термин, сўз бирикмаси ва иборалар учрайдики, улар неологизмлар саналиб, тилимизга (иқтисодиёт соҳасига) янги кириб келганлигидан ҳамиша ҳам тушунарли бўлмаслиги мумкин. Бу ҳақида кейинга бобларда тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодга оид барча илмий адабиётларда янги термин ва ибораларга изоҳлар бериш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Микроиқтисодий сиёсат қуйидаги: а) ижтимоий сиёсатни амалга ошириш (табиийки, бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатларда у муҳим ўрин эгаллайди); б) рақобат муҳитини яратиб бериш

¹⁷Тўлаҳўжаева М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. Б.28.

(монополияларга барҳам бериш, адолатли, соғлом рақобат муҳитини бозор тамойиллари асосида ташкил қилиш) функцияларини бажаради.¹⁸

Мунтазам иқтисодий ўсишга эришиш учун, албатта, иқтисодиётнинг реал секторини маблағлар билан таъминлаш, инвестицион жараёнларни янада тезлаштириш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, тўловларни тезкор амалга оширишда банк тизимининг ўзига хос ўрни борлигини эътироф этиш зарур. Бунинг учун иқтисодга оид нашрларда юқоридаги мавзуларга кенг ўрин бериш лозим.

“Ўзбекистон Республикаси банк тизими” деб номланган иқтисодий-илмий адабиёт Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб чоп этилган. Унда мамлакат банк тизимининг шаклланиши, тобора такомиллашиб бориши ҳар томонлама ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Айнан мана шу адабиётда иқтисодиётнинг йўналишлари – банк тизимининг ўрни, уларнинг вазифаси ва мажбуриятлари, вужудга келиши, такомиллашуви, пул-кредит ва инвестиция сиёсати, кадрлар сиёсати, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик, пул муомаласи, унинг тарихи хусусида батафсил маълумотлар берилган.

Мавзуларни очиб бериш жараёнида Президент асарларидан фойдаланилган. Асарда воқеалар кетма-кетлиги сақланган, илмий услубга асосланган, факт ва далиллар барчаси манбаларга таянган ҳолда аниқ берилган.

Бу каби илмий адабиётларнинг баъзи ўринларини ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида қийинчиликлар кузатилса-да, лекин уларда айнан керакли маълумотлар илмий фактларга асосланган ҳолда етказилган.

¹⁸Эркин иқтисодиёт тамойиллари. – Т.: Академия, 2005. Б.24.

1.2. Илмий-оммабоп адабиётлар таҳлили.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий топган жамият барпо этиш жамият аъзоларининг онги ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада юксак бўлиши талаб этилса, кенг омманинг онги шу даражада иқтисодий жиҳатдан ҳам юксак бўлиши талаб этилади. Бунинг учун кўплаб илмий-оммабоп адабиётлар чоп этиш керак бўлади. Чунки илмий адабиётлар асосан соҳа фойдаланувчилари учун мўлжалланади, оммага иқтисодий билимларни сингдириш борасида илмий-оммабоп адабиётлар зарур бўлади.

Илмий-оммабоп адабиётлар халқ оммасини фан ва техника масалалари, ютуқлари ҳамда фан арбоблари таржимаи ҳоллари билан таништириш учун мўлжалланган нашрлардир. Бу нашрлар илмий масаланинг моҳиятини тўла сақлаган ҳолда уни кенг омма учун тушунарли услубда баён этади, ўқувчининг ғоявий-илмий савиясини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.¹⁹

Иқтисодий илмий-оммабоп адабиётлар ҳам иқтисодга оид билимларнинг ўзига хослиги, ютуқ ва камчиликлари, киритилаётган ўзгаришлар, янгиликлар билан таништиради. Аммо бундай адабиётларда илмий масалаларнинг моҳияти тўла сақланган бўлади, яъни илмийликдан узоқлашмаган ҳолда кенг омма учун тушунарли тилда баён этилади. Ҳатто фойдаланувчининг илмий савиясини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга, илмий адабиётларга бўлган қарашларни ўзгартиришга туртки бўлади.

Иқтисодий илмий-оммабоп адабиётларнинг номланиши ҳам омма, жамоанинг фикри, қарашлари билан боғлиқ. Зеро, юқорида таҳлил қилинган илмий адабиётлар баъзи камчиликлари билан ажралиб турса-да, аммо барча муаллиф фикрлари илмийликка таянган ҳолда берилган, формула, чизмаларнинг муракаб берилиши ҳам илмий адабиётларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб туради, ваҳоланки, илмий оммабоп адабиётларда чизмалар, жадваллар, тенгламалар кўп бўлмаслиги, борлари

¹⁹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 1-ж. – Б.123.

хам кўпроқ матний изоҳларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шунда улар соҳа мутахассислари учунгина эмас. Балки иқтисодиётдан бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам тушунарли бўлади. Ваҳоланки, кичик, ўрта бизнес билан шуғулланувчиларнинг аксарияти иқтисодиёт соҳасидан анча узоқ.

Илмий-оммабоп адабиётларни ёзиш жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, уларни таҳрир қилишда ҳам муҳаррирдан масъулият талаб қилинади. Иқтисодий, илмий билимларни кенг ёйишда иқтисодий илмий-оммабоп адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва мақсадини белгилаш диққат марказида туради. Тўғри, иқтисодий-илмий адабиётларда ҳам формулалар изоҳи берилади, фақат улар илмий терминлар асосида далилланади. Илмий-оммабоп адабиётларда эса кенг омма учун тушунарли сўзлар қўлланилиши лозим.

*Микроиқтисодий даражада ҳар қандай корхона, фирма ёки компанияларнинг асосий “бош оғриғи” (муаммоси) олинаётган даромадларнинг муттассил кўпайиб, ўсиб боришини таъминлашдир.*²⁰

*Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлаётган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгилаштириш кабиларни солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзлари ёки сийловлар деб юритилади.*²¹

Умуман, Т.Эргашевнинг “Бозор иқтисодиёти” асарида ишлатилган сўз, жумлалар оммабоп ва тушунарли.

Илмий-оммабоп асарларнинг муаллифлари илмий материалларни баён этишда физика, кимё, математика, астрономия, геология, биология, кибернетикага оид терминларни имкон қадар умумтушунарли тарзда беришга ҳаракат қиладилар, оммабоп тарзда шарҳлайдилар.²² Иқтисодга оид юқоридаги илмий-оммабоп адабиётда ҳам муаллиф имкон қадар содда сўз ва тушунчаларни кўпроқ беришга ҳаракат қилган.

²⁰Эргашев Т. Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.82.

²¹ Ўша китоб. Б.131.

²² Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б.171.

Масалан:

Менежерлар (бошқарувчилар) олдига қўйиладиган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

*1.Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бир бутун, яхлит ишлаб чиқариш бирлигини яратиш...*²³

*Мутаносиб солиқ ставкаси усулида фойда ёки оборотга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бир хил мутаносибликда (улушида) солиқ тўлайдилар.*²⁴

*Иш ҳақининг ишбай-прогрессив тизимда бажарилган иш учун белгиланган бошланғич меъёрга асосан, қўшимча чиқарилган маҳсулот учун эса белгиланган меъёр (норма)дан юқорироқ бўлган баҳо билан ҳақ тўланади.*²⁵

*Меҳнат ҳақининг ишбай-мукофот тизимида алоҳида шахс ёки гуруҳга бажарилган иш учун бериладиган маошга қўшимча ҳақ (яъни мукофот) кўзда тутилади.*²⁶

*Мазкур тариф сеткасидаги 1-8 разрядлар ишчилар меҳнатини тарификациялаш (баҳолаш) учун мўлжалланган бўлса, ...*²⁷

*Қимматли қозғозларнинг биржавий бозори бу – фонд биржаси бўлиб, у белгиланган тартибда, қимматли қозғозлар эркин савдосини брокерлар (воситачилар), маклерлар (даллоллар), дилерлар (савдогарлар) томонидан амалга оширилишини таъминлаб берувчи бозордир.*²⁸

Терминларнинг омма нутқида кўпроқ қўлланадиган муқобили муаллиф томонидан эътиборга олиниб, ҳам илмий, ҳам илмий-оммабоп тарзда берилади.

Илмий-оммабоп адабиётда маълум бир мавзу моҳияти очиб берилар экан, шубҳасиз, баъзи фикрларга чуқурроқ ёндашилади. Уларнинг изоҳи,

²³ Эргашев Т. Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.99.

²⁴ Ўша китоб. Б.130.

²⁵ Ўша китоб. Б. 109.

²⁶ Ўша китоб. Б.109.

²⁷ Ўша китоб. Б.108.

²⁸ Ўша китоб. Б.174.

моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кенгрок, омма учун тушунарли ҳолатда баён этилади.

*...1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган шахслардан ташқари) даромад...*²⁹

*Нақд пулда ундирилган солиқлар (аҳолидан ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар) муомалага чиқиб кетадиган пуллар массасини камайтиради.*³⁰

Эгри солиқлар (аксиз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) ёрдамида товарлар баҳоси оширилиб, муомаладаги пул массасининг харид қилиш қобилияти қисқартирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга биноан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги турлари мавжуд:

- *якка тартибдаги меҳнат фаолияти;*
- *хусусий тадбиркорлик фаолияти; (ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади);*
- *ширкат тадбиркорлиги (фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади);*
- *аралаш тадбиркорлик (юридик шахс ва фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан иш олиб борилади).*³¹

Асар илмий-оммабоп бўлганлиги сабабли мураккаб, иқтисодга оид жумлалар юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, оммабоп равишда берилган. Илмий фикрлар изоҳланган.

Иқтисодий илмий-оммабоп адабиётларнинг фойдаланувчилари кенгайиб бормоқда. Шунинг учун таҳрир қилиш жараёнида ҳам муҳаррир адабиётнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, ўқийдиганларнинг билим даражасини ҳисобга олиши лозим.

²⁹ Ўша китоб. Б.131.

³⁰ Ўша китоб. Б.132.

³¹ Ўша китоб. Б.67.

Маълумки, илмий-оммабоп асарларда кўплаб рақамлар – миқдор, ҳажм, масофа ва бошқаларни белгиловчилар учрайди. “Мухаррирнинг вазифаси ўқувчилар рақамлар тўрида ўралашиб қолмасликлари учун муаллифга уларни оддий, тушунарли тарзда бўлишига кўмаклашишдан иборат, токи улар ишонарли ва аниқ мисолларни келтирсинлар.”³²

Академик С.С.Ғуломов, профессор Ш.Р.Калановалар таҳрири остида нашр этилган “Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент” илмий-оммабоп адабиётида маҳаллий бошқарув органларининг миллий тизим, давлат ва жамият қурилишининг ўзагини ташкил этиши, иқтисодни қайта қуриш, маҳаллий миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотларни янада кенгайтириш, маҳаллий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш, нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ресурсларни бошқариш хусусида фикр ва мулоҳазалар берилган. Мухаррир қўлёзмани таҳрир қилиш жараёнида ҳам оддийлик, ҳам оммабопликка амал қилган.

Табиатга баҳо бериш ва унинг асосий функцияларини изоҳлаш мақсадида муаллифлар томонидан аниқ ва ишонарли далиллар келтирилган.

*Табиатга баҳо бериш ва унинг асосий функциялари: 1)табиий хизматлар билан таъминлаш; 2)чиқиндилар ва ифлосланишларнинг ассимиляцияси; 3)одамларни табиий хизматлар (рекреация, эстетик лаззатланиш ва ҳ) билан таъминлаш функцияларни эътиборга олиш...*³³

Маҳаллий жамоани ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий салоҳиятига уй-жой бозори катта таъсир қилади. Назария ва амалиёт уй-жой фондини, уй жой бозоридаги ўзгаришлар маҳаллий жамоа ҳаётининг барча томонларига жиддий таъсир кўрсатишидан далолат беради.

³² Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б.72.

³³ Алимов Р.Х. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. – Т.: Ўқитувчи, 2004. Б.131.

*Уй-жой бозори тармоқларга ажратилган бўлиб, уй жой фондини, уй жой фаолиятини, яъни уй жой хизматлар (уй жойдан фойдаланиш)ни ўз ичига олади.*³⁴

Муаллиф ўз фикрини илмийлик ва оммабопликка ёндашган ҳолда баён этган.

Бу иқтисодга оид илмий-оммабоп адабиётда деярли ҳар бир мавзу моҳиятига чуқур ёндашилган, шунингдек, далиллар, исботалаб фактлар омма учун тушунарли тарзда ифода этилган, яъни илмийлик ва оммавийликка таянган ҳолда берилган. Фактик материаллар китобда эътибор билан танланган, асосий фикрга оид муаллиф ғояси бўйсундирилган, яъни тўлақонли равишда очиб берилган.

Илмий-оммабоп адабиётларнинг барчаси каби иқтисодий илмий-оммабоп адабиётлар ҳам қатъий режа асосида ёзилиши керак.

“Муаллиф асосий мавзудан четга чиқмаслиги, иккинчи даражали унсурлар билан баёни мураккаблаштирмаслиги керак. Яхшиси асарни унча катта бўлмаган бобларга бўлиш, агар катта боб бўлса, уни фаслларга ажратиб, сарлавҳалар қўйиш ва бу билан баён чегарисини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.”³⁵ Кўриб ўтганимиздек, илмий-оммабоп адабиётлар оммага тез ва осон етиб бориши учун қисм ва фаслларга бўлинган. Хусусан, юқорида тилга олинган барча адабиётлар бунга мисол бўла олади.

Илмий-оммабоп адабиёт аслида муайян соҳага оид бўлишидан қатъий назар, барча соҳа вакиллари учун тушунарли бўлиши, оммага мўлжалланиши зарур.

Иқтисодда шундай илмий-оммабоп адабиётлардан яна бири – З.Содиқовнинг “Бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш йўналишлари” асаридир. Ушбу адабиёт ижтимоий-иқтисодий соҳа мутахассисларига, илмий тадқиқотчи ва изланувчиларга,

³⁴ Алимов Р.Х. Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. – Т.: Ўқитувчи, Б.86.

³⁵ Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б.172.

миллий иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар ва ютуқлар билан қизиқувчиларга мўлжаллаб тайёрланган. Адабиётда республикамиз иқтисодиётида олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг устувор йўналишлари, эришилган натижалар изчиллик тарзда ёритилган.

Тўғри, банк, молия, инвестиция, микроиқтисод ҳақида баён этилган фикрлар одатда илмийлик асосида ёзилади. Аммо бу адабиёт илмий-оммабоп тарзида ёзилган бўлиб, жумлалар соддалиги билан ажралиб туради. Шунингдек, фактларнинг кетма-кет, аниқ берилиши ҳам бунга мисол бўла олади.

*...2005-2009 йилларда тижорат банкларининг кредитлари ҳажми 2,2 баробарга, депозитлари ҳажми 5,2 баробарга умумий капитали эса 3,2 баробарга ортган.*³⁶

Илмий-оммабоп адабиётлар илмий асарларнинг жараёнларини ўрганган ҳолда ёригилади. Хусусан, мазкур адабиёт ҳам бошқа тахлилий маълумотлардан ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Деярли илмий назарияларга асосланган. Аммо бу назарий фикрлар далиллар асосида очиб берилган, оммавийлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баён этилган. Иқтисодий илмий-оммабоп адабиётлар тузилиш - композиция жиҳатидан мукамал, барча унсурлари ўзаро мутаносиб бўлиши лозим. Уларни ёзишда ҳаммага маълум бўлган маълумотлар билан янги фактлар нисбати масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Деярли барча илмий-оммабоп, хусусан, иқтисодга оид илмий-адабиётларда ҳам барча учун бундай тушунарли маълумотлар берилади, аммо фактлар нисбати асосида аниқроқ тўхталиб ўтилади.

У.Иноятлов, С.Ахмедов, Р.Нуримбетов ҳаммуаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт ва тадбиркорлик” иқтисодий адабиёти тадбиркорлик фаолиятини бошлаган фуқароларнинг билим даражасини ошириш учун мўлжалланган, умумий фикрлар ва аниқ фактлар берилган.

³⁶Содиқов. З. Бозор ислохотлари ва иқтисодиётини либераллаштиришни чуқурлаштириш йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.23.

Кичик бизнес фаолиятида тадбиркорлик асосий ўринни эгаллайди. Корхоналарда ишлаб чиқаришни режалаштириш, уюштириш, менежмент, бошқарув фаолияти асослари, молия, кредит, статистика, иқтисодий-математик усул кабиларни билиш барча тадбиркор фуқаролар учун зарурий масаладир. Айнан мана шу адабиётда бозор муносабатлари, ишлаб чиқариш, банк, пул масалалари, халқаро савдо, тадбиркорлар учун керакли маслаҳатлар берилган.

Адабиётдаги ҳар бир фикр муаллифлар томонидан алоҳида эътиборга олинган.

Масалан, “банк” ҳақидаги маълумотга барча фуқаро эга бўлиши мумкин., аммо аниқ статистик маълумотлар кўпчилик учун тушунарли бўлмаслиги табиий. Шунинг учун бу адабиётда умумий маълумотлар билан аниқ фактлар берилган.

“Банк деб, пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит ҳисоб ва бошқа ҳар хил врситачилик операцияларни бажарувчи муассасага айтилади.”³⁷

“Банк” сўзи италянча “banca” сўзидан олинган бўлиб, “стол”, аниқроғи “пуллик стол” деган маънони англатади. Ўрта асрларда пулдорлар ҳамёнларидаги, идишларидаги тангаларни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлар.”³⁸

Тўғри, юқорида келтирилган мисоллар иқтисод соҳа вакиллари учун тушунарли бўлиши мумкин, аммо бу сўзнинг маъноси, келиб чиқиш тарихи, вазифа ва функциялари ҳақидаги маълумотга ҳамма ҳам эга эмас.

Илмий-оммабоп адабиётларда умумий маълумот билан бир қаторда фактик маълумотлар ҳам берилади, деб юқорида таъкидлаб ўтдик, айнан мана шу адабиётнинг деярли кўп ўринларида шундай хусусиятларни, яъни илмий-оммабоп адабиётларга хос бўлган талабларнинг бажарилганлигини кўриш мумкин.

³⁷ Иноятлов У., Ахмедов С., Нуриббетов Р. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик. – Т.: Ўқитувчи, 2004. Б.34.

³⁸ Иноятлов У., Ахмедов С., Нуриббетов Р. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик. – Т.: Ўқитувчи, 2004. Б.34.

Тадбиркорлик – кўлидаги озми-кўпми бойлигидан фойда олиш билан шуғулланиш учун фойдаланадиган фаол ва ташаббускор кишиларнинг интеллектуал фаолияти. Бу тўғрида барча фуқаро ўз қарашларига эга. Аммо илмий жихатдан қаралганда, айнан бу фаолиятнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Деярли барча ифтисодга илмий-оммабоп адабиётларда фаолият билан боғлиқ бўлган илмий фикрлар, фактик маълумотлар учрайди.

*Тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни маҳсулотни тайёрлаш имкониятининг очилиши ва ундан амалда фойдаланиши, технологиянинг қўлланилиши, янги хомашё манбиларининг очилиши, янги бозорларнинг топилиши, ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил қилиниши ва ҳоказолар туфайли ишлаб чиқариш ва муомала омиларининг янги уйғунликларини амалга оширишдан иборат бўлади.*³⁹ Бу келтирилган мисол барча учун тушунарли. Қуйида эса фаолият билан боғлиқ бўлган илмий фикрни келтириш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- *хусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар (корхона) томонидан амалда ўзининг шахсий (хусусий) мулки асосида ташкил қилинади;*
- *жамоа тадбиркорлиги – фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади;*
- *аралаш тадбиркорлик – икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар (шу жумладан, чет эл корхоналари) мумкин бирлаштиришйўли билан ташкил қилинади;*
- *шартномавий тадбиркорлик - ...*⁴⁰

Илмий-оммабоп адабиётларда янги ахборот бўлмаса у амалда муваффақият қозона олмайди, аммо маълум бўлган маълумотларнинг камлиги ҳам аниқ фактик ахборотларни қабул қилишни қийинлаштиради.

³⁹ Ўша китоб. Б.56.

⁴⁰ Ўша китоб. Б.58.

Иқтисодий-илмий-оммабоп адабиётларда назарий асослар билан фактик материаллар ўртасидаги мутаносиблик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни берилган фактик материаллар назарий жиҳатдан тушунарли оммага тақдим этилиши керак. Бу фақат иқтисодга оид илмий-оммабоп адабиётлар учун эмас, балки барча тур иқтисодий адабиёт учун хосдир.

Таҳлил қилиш жараёнида ҳам айнан мана шу фикрларнинг исботини кўрдик. Аммо илмий-оммабоп адабиётларда асосан илмийлик, яъни илмий маълумотлар соддароқ берилади.

Илмий-оммабоп адабиётлар сингари фактлар, батафсил мулоҳазалар билан қисқа хулосалар, муқаддима, асосий қисқа, якуни, бошланма, хотима кабиларда ҳам компазицион мутаносиблик жуда муҳим. Мутаносибликнинг бузилиши адабиёт ўқишни қийинлаштиради, тузилиш тамойиллари бузилади, маълумотларни қабул қилиш, ўйлаб кўриш, таҳлил қилиш, баҳолаш имкониятлари тораяди.

Юқорида тилга олинган “Иқтисодий ва тадбиркорлик” илмий-оммабоп адабиётини ёзишда шундай тамойилларга риоя қилинган. Сўз боши, бўлимлар, ҳар бир бўлим ички қисмларга бўлинган, хулоса қисм ва адабиётлар рўйхати берилган. Тўғри, адабиётларнинг бундай компазицион қурилиши унинг илмийлигини кўрсатиб турса, оммабоплигини тўлиқ очиб бермаслиги мумкин, деган фикр туғилади. Аммо адабиётдаги назарий фикрлар қуйидагиларни ўзида кўрсатиб туради:

- иқтисод, танланган мавзунинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари;
- баъзи иқтисодий фаолият турларининг вужудга келиш манбалари;
- иқтисодий илмий муаммоларнинг ҳал этилиши.

Буларнинг барчаси омма савиясидан келиб чиққан ҳолда ёзилади.

Буни бошқа бир иқтисодий илмий-оммабоп адабиёти мисолида кўрадиган бўлсак, яъни Р.Нурибетов ва Ш.Аҳмедовлар томонидан ёзилган “Ишлаб чиқариш менежменти” асарида деярли барча назарий фикрлар фактни исботлаб, очиб берган. Умумий маълумотлар аниқ материаллар асосида кенгроқ ёритилган.

Адабиётнинг композицион қурилиши кириш, боблар, қисмлар, хулоса, иловалар, тест ва масалалар тўплами ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Адабиётда корхоналарда шаклланаётган эркинлик ходимларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқаришда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганишга бўлган қизиқишларни ошириш, ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш, кўзланган натижаларга эришиш, корхона менежерларнинг корхонанинг янги мулк эгалари олдида ечиши лозим бўлган ва жавоб бериши талаб этиладиган вазифаларнинг доирасини ўзгартириши, маҳсулотлар ҳажмини аниқлаши, маҳсулотларнинг сотилишини таъминлаши, ҳисоб-китобларни амалга ошириши, маҳсулот сифатини билиш хусусида батафсил илмий фикрлар берилган. Аммо бу илмий фикрлар биргина илмий назариялар билан чекланмаган, балки оммабоп, яъни омма учун тушунарли бўлган бошқа назарий фикрлар ҳам келтириб ўтилган. Шунинг учун ҳам иқтисодий илмий-оммабоп адабиётлар сирасига тўлоқонли равишда келтириш мумкин.

Маркет – бозор, менежмент – бошқариш. Ҳар икки атама хусусида етарли маълумот берилган. Аммо адабиётда уларга чуқурроқ ёндашилган. Умумий маълумотлар билан бир қаторда аниқ, фактик материаллар ҳам мавжуд.

Масалан:

- умумлаштирилган маркетинг;
- табақалаштирилган маркетинг;
- марказлашган маркетинг;
- диверсификация.⁴¹

Ёки

Маркетинг самарадорлигини ошириш бўйича дастурни жорий этиш чора-тадбирлари ташкилот фаолияти самарадорлигининг қуйидаги кўрсаткичларини яхшилашга олиб келиши мумкинлиги кўрсатилади.

⁴¹ Нуриббетов Р., Ахмедов С. Ишлаб чиқариш менежменти. – Т.: Талқин, 2008. Б.86.

- умуман ташкилот бўйича, шунингдек, айрим товарлар ва ва бозорлар бўйича фойда;
- товарлар ва бозорлар турлари бўйича сотув рентабиллиги;
- ташкилотнинг фаолият юритиш барқарорлиги;
- ижтимоий-иқтисодий, экологик, техник самарадорликнинг бошқа кўрсаткичлари.⁴²

Тўғри, баъзи фикрлар ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради, аммо иқтисодга оид илмий-оммабоп адабиётда оммабоплик билан бир қаторда илмийликка ҳам таяниш талаб этилади.

Илмий ёндашиш дейилганда, формула, чизмаларни, яъни фикрни айнан шулар орқали очиб бериш тушунилмайди, балки керакли ва етарли асос, усул ва кўрсаткичларни келтириш ҳам унинг илмийлигини белгилаб беради. Аммо мана шу илмий назариялар омма қарашларини ўрганган ҳолда ёзилиши лозим. Демак, илмий-оммабоп адабиётлар учун хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- аниқ маълумотни билиш;
- назарий фикрларнинг борлиги;
- фактларнинг аниқ изоҳланиши;
- маълумотларнинг тушунарлилиги;
- умумий маълумотлар билан бир қаторда аниқ, далилталаб фикрларнинг берилиши;
- ҳар бир жумлага соддароқ ёндашилиши.

Иқтисодга оид илмий адабиётлар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, асосан, иқтисод соҳаси вакиллари учун мўлжалланган бўлади. Тўғри, бу тур адабиётларда фактлар аниқ изоҳланади, улар далилланади, лекин умумий маълумотлар кам берилади, атама, терминлар изоҳи берилмайди, илмий услубда ёзилади. Илмий-оммабоп асар ёзиш эса асосан оммабопликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бундай асарлар илмий-оммабоп услубда ёзилади.

⁴² Ўша китоб. Б.88.

1.3. Иқтисодга оид ўқув адабиётлари.

Иқтисодий адабиётларнинг илмий, илмий-оммабоп каби турлари билан бирга ўқув адабиёти, яъни дарслик, ўқув қўлланмалар ҳам мавжуд.

Дарслик ҳажми, тузилиши тегишли – бир сўз билан айтганда режаси ўқув дастури билан белгиланади. Унинг ички тузилмаси ушбу фан, фаолият тури, соҳаси, йўналиши бўйича асосий маълумотларнинг аниқ бир билим тузилишини акс этиради. Назарий, техник масалалар узвий боғлиқликда кўриб чиқилади, билим тавсифи, уларнинг қўлланилиши тадрижий равишда, ўзаро таъсир кучига эга бўлган ҳолда тақдим этилади. Дарсликлар ўқув жараёнининг асосий унсури бўлганидек, иқтисодий дарсликлар ҳам айнан шу фаннинг мазмуни, мақсади, вазифасини ёритиб берувчи ўқув адабиётидир.

Мазмун жиҳатидан дарсликлар умумий, махсус турга ажратилади. Умумий дарсликлар гуманитар, табиий, техник йўналишдаги назарий билимларни қамрайди. Махсус дарсликлар муайян ихтисосликка оид бўлади. Иқтисодий дарсликларга ҳам махсус дарслик сифатида қаралади.

Иқтисодий дарсликлар фаннинг мазмунидан моҳиятини ифода этиш билан бирга унда терминлар изоҳли луғати, адабиётлар рўйхати қўшимча тест топшириқлар ва назорат саволлари берилади. Илмий фаразлар эмас, балки текширувдан ўтган, исботланган, аниқланган тушунчалар киритилади.

Умуман, дарсликлар, хусусан, иқтисодий дарсликлар ҳам қуйидаги талабларга амал қилган ҳолда ёзитади.

- Билимлар фойдаланувчининг ёш хусусиятига мос келиши керак;
- Билимларнинг назарий асоси, ғоялари тизимли ва изчил бўлиши талаб қилинади. Улар ишонарли бўлиши лозим.
- Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ бўлиши керак.
- Мавзу баёни содда, асар тили раво бўлиши, тегишли қоида, таърифлар берилиши лозим.

- Тасвирлар, чизмалар, жадваллар фан ва ўқувчи ёшига мос бўлиши шарт.
- Ҳар бир мавзу аниқ ва қисқа очиб берилиши даркор.
- Илмийликка асосланади.

Хусусан, барча иқтисодий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар қўйилган талаблар асосида ёзилади. Улар, асосан, профессор-ўқитувчилар томонидан ёзилиб, мактаб, коллеж, академик лицей ва олий таълим муассасасининг олий ва умумий ўрта таълим талабалари учун яратилади.

Иқтисодий дарслик, илмий ва илмий-оммабоп иқтисодий адабиётлардан фарқланиб, таълим олувчиларнинг эгаллашга мўлжалланган билим даражасидан келиб чиққан ҳолда ёзилади.

М.С.Мирсаидовнинг «Тадбиркорлик асослари» дарслиги касб ҳунар коллежлари учун мўлжалланган. Дарслик қўйилган талаблар асосида очиб берилган. Хусусан, фан ва моҳияти хусусида тўхталиб ўтилган. Бу дарсликдан тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган билимларни олиш мумкин.

Жамият аъзоларида тадбиркорлик руҳини қарор топтириш устувор вазифалардан бири деб белгиланади. Бу белгиланган вазифани амалга ошириш мақсадида ушбу дарслик яратилди. У бозор иқтисодиёти шароитида менежментнинг аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, ишни ташкил қилиш усуллари, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, бизнес режа тузиш, тадбиркорлик ишини баҳолаш, таҳлил қилиш, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши туфайли вужудга келган биржа ва биржа фаолияти, бозорни ўрганишда маркетингнинг ўрни каби масалаларни қамраб олганлиги боис талабалар учун зарур назарий, амалий билим манбаи ҳисобланади.

Биржаларда қандай товар сотилиши ва харид қилинишига қараб уларнинг муайян ихтисосланиши юз беради. Масалан, пахта, какао, қанд шакар биржалари мавжуд. Биржаларда алюмин, никел, бензин, мазут, қорамол, тухум, ерғоқ, сариг, апельсин шарбатининг концентрати,

*буғдой, маккажўхори, арпа, жавдар, сули ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш мумкин.*⁴³

Ҳар бир мавзу содда берилган. Шунингдек, қоида, таърифларга аниқ ёндашилган.

Калькуляция ишлаб чиқарилган маҳсулот ва сотиб олинган моддий бойликларнинг таннаرخини аниқлаш усули бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақида умумлашган маълумотлар олиш учун зарур.

Ёки

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича умумий меъёр қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади.

$N=O.H$

N – ишлаб чиқариш умумий нормативи;

O – ишлаб чиқариш бўйича бир кунлик харажат;

*H – нормативдаги захира кун сони*⁴⁴

Мавзулардаги ҳар бир фикр аниқ берилган. Шунингдек, илмийлик асосида ёндашилган. Фактлар исботи очилган, бошқа илмий манбалардан ҳам фойдаланилган.

Тўғри, дарслик ҳам илмийликка таянган ҳолда ёзилади, аммо илмий, илмий-оммабоп адабиётлардан фарқ қилади. Чунки илмий адабиётлар барча иқтисодий соҳа вакиллари учун мўлжалланган бўлади, дарсликда таълим ёш хусусияти инобатга олиниб, айнан талаба-ёшлар учун мўлжаллаб ёзилади.

Касб-ҳунар коллеж ўқувчилари учун ёзилган яна бир дарслик Т.Эргашевнинг «Бозор иқтисодиёти» дарслиги ҳисобланади. Бу дарслик ҳам талабалар, бизнес мактабларининг тингловчиларига, лицей, гимназияларнинг ўқувчиларига мўлжалланган. Дарсликда мавзу моҳияти, у билан боғлиқ бўлган тамойиллар, ислохотлар, босқичлари, умуман, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ масалалар хусусида тўхталиб ўтилган.

⁴³ Мирсаидов М. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.155.

⁴⁴ Мирсаидов М. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.115.

Маълумотлар қисқа, аниқ ва лўнда берилган. Шунингдек, мураккаб терминлар моҳияти ҳам алоҳида изоҳланган.

*Концерн – ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси (ўзгариши, хилма – хиллигининг кўпайиши) асосида таркиб топадиган кўп тармоқли корпорациядир.*⁴⁵

Халқаро меҳнат тақсимооти ҳар бир мамлакат иқтисодиёти билан интеграциялашуви (қўшилиши) ва унинг таркибий қисмига айланишини таъминлайди.

*Жисмоний шахсларнинг депозит (жамғарма) сертификатлари уларнинг аризалари асосида расмийлаштирилади.*⁴⁶

*Облигациялар, уларни чиқарувчи, яъни эмитентнинг хусусиятига кўра бўлади: давлат облигациялари, муниципал (маҳаллий) облигациялар ва корхоналарнинг облигациялари.*⁴⁷

Барча иқтисодий дарсликлар қўйилган талаб асосида ёзилади. Олий таълим педагог-профессор, доцентлари томонидан ёзилган иқтисодий ўқув қўлланмалар ҳам иқтисодий дарсликларга қўшимча тарзда ёзилади. Дарсликларга киритилган билимларни кенгайтиради.

Иқтисодга оид ўқув қўлланмалар назарда тутилган билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, яхшироқ ўзлаштириш учун мўлжалланган бўлади.

Соҳа билан боғлиқ бўлган маълумотларни янада кенгайтириш учун хизмат қилади.

Б.Маҳмудовнинг «Миллий ҳисобчилик асослари» ўқув қўлланмасида мамлакатимизда бозор муносабатларининг юзага келиши, таркиб топиши билан уйғунлашган ҳолда бозор иқтисодиёти, ҳисобот тўғрисидаги муҳим тушунчалар, категориялар, таснифлар, иқтисодий жараёнларини ҳисобга олиш услублари тўғрисидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ёзилган.

⁴⁵ Т.Эргашев. Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.118.

⁴⁶ Ўша китоб.Б.137.

⁴⁷ Ўша китоб.Б.137.

Қўлланмада долзарб муаммолар кенгрок, батафсилроқ ёритилган. Аниқ факт, далиллар берилган. Илмийликка асосланган. Бу каби адабиётлар ҳам иқтисодий илмий, илмий-оммабоп адабиётлардан фарқ қилади. Чунки бу каби адабиётларни ёзишда фойдаланувчининг ёши, таълим муассасаси инобатга олинади. Жадвал, формулалар изоҳи аниқ, тушунарли берилган. Шунингдек, дарсликларда берилган сўзлар изоҳи сингари, ўқув қўлланмаларда ҳам сўз ва тушунчалар изоҳи бўлади.

*Фойда ва аралаш даромад номолия, молия ва майда нокорпоратив (уй хўжаликлари тасарруфидаги) корхоналарнинг бирламчи даромадларидан иборат бўлиб, фойда кўрсаткичи юқорида зикр этилган корхоналарнинг тақсимланмаган фойдалари йиғиндисига тенг.*⁴⁸

Ўқув адабиётларидаги тасвирлар ҳам фойдаланувчи учун тушунарли берилган.

Иқтисодий илмий, илмий-оммабоп адабиётларда аббреватура усули асосида ясалган сўзларнинг изоҳи берилмайди. Чунки уларнинг барчаси фойдаланувчи – иқтисодчилар учун тушунарли жумлалар ҳисобланади. Аммо дарслик, ўқув қўлланмаларда уларга қуйидагича ёндашилган.

*Мана шу фаолият соҳасини персонал бошқарувида инновацион кадрлар менежменти (ИКМ) деб атаймиз.*⁴⁹

*Иш вақтини сурагга олиш (ИВС) мўлжалланган кузатишлар даври мобайнида вақт сарфлари тузилишини белгилаш учун тадбиқ этилади.*⁵⁰

*Кадрлар тизимини (КТ) янгिलाш ва ривожлантириш жараёнларини тавсифлаб, кадрлар тизимини эволюцион ва радикал (тубдан) янгिलाш тушунчаларга таъриф бериш зарур.*⁵¹

*Кўп ҳамда асосий капиталнинг истеъмоли (АКИ) кўрсаткичинини ҳисоблаш учун ишончли ахборот манбаларининг йўқлигидир.*⁵²

⁴⁸ Маҳмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003. Б.88.

⁴⁹ Персонални бошқариш. – Т.: Шарқ, 1998. Б.182.

⁵⁰ Ўша китоб. Б.253.

⁵¹ Ўша китоб. Б.176.

⁵² Маҳмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003. Б.88.

*Ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар (ИЧИСС) икки қисмдан иборат.*⁵³

*Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи миллий даромад (ЯМД) кўрсаткичлари бир-биридан резидент бирликларнинг резидентларидан олган бирламчи даромадлари айирмасига фарқ қилади.*⁵⁴

Демак, иқтисодга оид ўқув адабиётларида ҳам илмийликка асосланади, фақат кимларга мўлжалланганлиги инобатга олиниб, фан билан боғлиқ бўлган мавзулар аниқ режа асосида берилади. Фан моҳияти берилган мавзулардан яққол кўриниб туради. Шунингдек, мураккаб сўз ва жумлалар изоҳига ҳам тўхталиб ўтилади.

Иқтисодга оид дарслик, ўқув қўлланмалари яратувчи муаллифлар, албатта, ўқув дастурига қатъий амал қилишлари шарт. Шундай адабиётлар таҳрири билан шуғуланувчи муҳаррирлар ўқув адабиётларига қўйиладиган композицион, тил ва услубга кўра талаблардан хабардор бўлишлари лозим.

⁵³ Ўша китоб. Б.88.

⁵⁴ Ўша китоб.Б. 91.

2 боб. Иқтисодий адабиётларнинг таҳрири: тил ва услуб масалалари.

Иқтисодий адабиётларни таҳрир қилиш жараёнида албатта тил ва услуб масалаларига катта эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, адабиёт ҳар бир тури тил ҳамда услубининг ўзига хослиги барча матнларга қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Адабий таҳрир, амалий услубият билан боғлиқ. Бунда эга ва кесим тўғри жойлаштирилиши, иккинчи даражали бўлакларнинг ўрни ва ҳоказоларнигина назарда тутилмайди, балки, агар махсус сўз қўллаш такозо этилмаса, бир хил сўздан ёки ўзакдош сўзлардан такрор фойдаланиш мақбул эмаслигини, тилдаги тасвирий таъсирчан воситаларни, гарчи улар нутқнинг жозибадорлигини оширса-да, қўплаб ишлатиш салбий натижа беришини ва бермаслигини ўргатади.⁵⁵

Демак, иқтисодий адабиётларни тил ва услуб жиҳатдан таҳрир қилишда ҳам айнан мана шу масалаларга эътибор қаратиш лозим. Яъни, иқтисодий асар илмий услубда ёзилади. Улардаги гапларнинг қурилиши аниқ, лўнда, шунингдек, грамматика меъёрлари асосида бўлиши лозим. Иқтисодга оид асарлар ёзишда муаллиф соҳага оид терминлар, иборалардан фойдаланади.

Матнда терминлар такрор қўлланилиши мумкин, уларнинг муқобилини келтирмаслик, тасвирий-таъсирчан воситаларни қўлламаслик лозим.

Мухаррир айнан бу каби асарларни таҳрир қилишда эга, кесим мослиги, қандай ҳолларда терминларни қўллаш мумкинлиги, жумла тузиш қоида ва меъёрларини яхши билиши керак.

Иқтисодий адабиёт (илмий, илмий оммабоп, ўқув адабиёт)ларининг ҳар бирида албатта, аудитория эътиборга олиниши керак.

Асар тили ва услубининг ўзига хослигини белгилаб, муҳаррир матн тили, услуби бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади. Бу муаллифга унинг

⁵⁵ Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б. 237.

асари хусусидаги танқидий мулоҳазаларни билдириши учун, шунингдек, матнда тузатишларни амалга ошириши учун замин яратади.

Иқтисодий адабиётларнинг таҳририда ҳам муҳаррир фан билан боғлиқ бўлган аниқ маълумотларни, терминлар изоҳини билиб, муаллиф ҳамкорлигида асар устида ишлаши, услуби, тилини аниқ белгилаши лозим. У айнан мана шу йўл билан ўз вазифасини аниқлаб олгач, таҳрир ишига масъулият билан ёндашади. Лекин бу ҳали асарнинг тили ва услубини тўлиқ белгилаб олди, дегани эмас. Муҳаррир муаллиф матнидаги камчиликларни аниқлай билиши керак. Иқтисодга оид илмий адабиётларда, шу билан бирга, илмий оммабоп ва ўқув адабиётларида “алоҳида аҳамият касб этади”, “қуйидагиларга эга”, “амалга оширилади”, “қўринишлардан бири ҳисобланади” каби конструкциялар тез-тез учраб туради. Муҳаррир таҳрир жараёнида бундай конструкциялар кўп ишлатилганда, албатта кейинги ўринларда уларни ўзгартириши, яъни бир хилликдан қутилиши, илмийликка ёндашган ҳолда матнни тил, услуб жиҳатидан тўғри бўлишига эришиши керак.

Иқтисодга оид асарларда услуб масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Агар муҳаррир қўлёзмани таҳрир қилиш жараёнида услубга алоҳида эътибор қаратса, у билан юзага келган бошқа камчиликларни ҳам бартараф эта олади.

Иқтисодга оид адабиётларда илмий ёки дарслик бўладими, аниқ фактлар берилиши, улар далилланиши, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, керакли ўринларда илмий изоҳларнинг қайд этилиши албатта эътиборга олинishi керак.

Муаллифнинг услубидаги ўзига хослик жумла тузиш хусусиятлари, асар мундарижаси камчиликлари аниқлаб олингандангина сўнг муҳаррир асарнинг тили, услуби, композицияси ҳақида фикр юритиши мумкин.

2.1. Иқтисодга оид матнлар таҳлили.

Иқтисодий асарлар тили ва услубининг мукаммал бўлиши учун кўйиладиган биринчи талаб фактларнинг далилланишидир. Иқтисодга оид адабиёт турлари қайси бири бўлишидан қатъий назар таъкидлаганимиздек, илмий услубда ёзилади, демак, асос материаллар берилади. Айнан мана шу фактларнинг берилиши иқтисодга оид асар тил ва услубини белгиловчи омилдир. Мисолларга мурожаат этамиз.

*1999 йилнинг 1 январидан буён марказлашган экспортдан валюта тушумига нисбатан 50 фоизли мажбурий сотиш талаби ўзгармасдан сақланиб қолмоқда.*⁵⁶

*2008 йил сентябр ойида ипотека инқироzi янада чуқурлашди. 15 сентябр куни йирик инвестицион банклardan бири бўлган Lehman Brother банкротлик тўғрисида ариза берди.*⁵⁷

Барча тур адабётда тиниш белгиларини ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, иқтисодий матнлар таҳрири ва таҳлилида ҳам бунга катта эътибор қаратиш лозим.

Муҳаррир ва муаллифнинг фикрлаш йўсини, нутқ услуби бири-биридан фарқ қилиши мумкин. Мутахассис сифатида муаллиф фикрини илмий бериши, аниқлик, факт ва далилларга адабиётлардан фойдаланган ҳолда таяниши мумкин. Аммо нутқи қисқа, лўнда бўлмаслиги, жумла тузилишига эътиборсизлик қилиши мумкин, муҳаррир эса аксинча, қисқа, лўндаликка эътибор қаратиб, услубдан келиб чиққан ҳолда матнга ўзгартириш киритиши лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам баъзи иқтисодий матнлар таҳлили ва таҳририда муҳаррир қарашлари устунлик қилган. Гарчанд иқтисодий матн илмий услубда ёзилган бўлса-да, фикрлар ифодаси содда, аниқлиги билан ажралиб туради, демак, муҳаррир таҳрири ўзига хослиги билан аҳамиятга эга.

⁵⁶ Жумаев Н., Зияев М. ва бош. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Молия, 2011. Б.147.

⁵⁷ Вахобов А. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари. – Т.: Молия, 2012. Б.66.

Масалан:

1. Ўзбекистон бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган модели амал қиладиган давлатдир.

2. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ўзига хос хусусиятларга эга.

3. Солиқ тўлови қийматининг ҳисоб-китоби солиқ манбаларининг ҳар бири бўйича алоҳида амалга оширилади, сўнгра олинган натижалар қўшилади.

4. Ислоҳотга қадар даромадлар ягона миллий бюджетга тушар ва ундан харажатлар молиялаштирилар эди.⁵⁸

Айрим муаллифлар сўзлардан ижодий фойдаланадилар. Тўғри, бу фойдаланиш бошқа турдаги адабиётлар учун хос бўлган хусусият бўлса-да, баъзан иқтисодий адабиётларда ҳам учраб туради. Яъни асарларнинг тили ҳамда услубини бойитиш мақсадида муаллиф биргина фактлардан фойдаланибгина қолмайди, чунки куруқ фактларнинг берилиши ўқувчини зериктиради.

Шунинг учун ҳам иқтисодий матнларни таҳрир қилишда баённинг мана шу жиҳатларига эътибор бериш керак. Қуйидаги мисолга эътибор берайлик:

Миллий пул бирлиги иқтисодиётнинг қон томири, унга жон, куч берувчи восита ҳисобланади, валюта мустақиллиги, миллий пул мустаҳкамлиги мамлакат иқтисодиёти учун тириклик манбаи, ҳаётбахш куч, ҳаракатлантирувчи дастак, воситадир.⁵⁹

Гапда муаллиф «қон томир», «жон, куч берувчи восита», «тириклик манбаи», «ҳаёт бахш куч», «ҳаракатлантирувчи дастак» каби сўз ва сўз бирикмалардан фойдаланган. Бунда муаллифнинг сўзлардан ижодий фойдаланиши, тил бойлигининг ўзига хослиги кўриниб туради. Тўғри, бу каби сўзаларни қўллаш одатда бадий адабиётлар учун хосдир, аммо

⁵⁸ Сирожиддинова.З.Бюджетлар аро муносабатлар. – Т.: Молия, 2010. Б.151.

⁵⁹ Султонов О.,Мўминов М. Мустақиллик ва пул ислоҳоти. – Т.: Меҳнат, 1992. Б.23.

иқтисодий адабиётлар услубини бир томонлама чеклаб қўйиш ҳам тўғри эмас.

Мухаррирнинг матн тили ва услубини таҳлил этишда яна бир муҳим вазифаси матнда учрайдиган терминларга алоҳида эътибор беришдан иборатдир. Терминларни қўллашда матн услубини ўрганиб, аниқ ва қисқаликка таяниб, алоҳида таъкид, изоҳлар билан ёндашиши керак. Юқорида айтганимиздек, сўзлардан ҳам ижодий фойдаланилса, матн услуби, тилининг ўзига хослиги юзага чиқади. Баъзи иқтисодга оид асарлар матнини тушуниш, терминлар моҳиятини англаш қийин. Таҳрир жараёнида айнан мураккаб жумлалар қайта ишланса, маълумотни етказиб беришда кетма-кетликка асосланса фойдаланувчи матннинг тили ва услубига осон ёндашади.

Масалан:

*Россия пул бирлигини ягона валюта сифатида фойдаланишга асосланган рубль зонасини яратишга қатор уриниш бўлди. Агар назарий жиҳатдан олсак, бу гоят тўғри ҳисобланади. Чунки биринчидан, янги пайдо бўлган мустақил давлатлар учун хўжалик муносабатларини сақлаш муҳим аҳамият касб этар эди; иккинчидан, муомаладаги пул массасини тартибга солиш тажрибаси мавжуд эмас эди.*⁶⁰

Ҳисоботларда фойда қўидаги кўринишларда акс эттирилиши мумкин:

- *Ялти фойда;*
- *Операцион фойда;*
- *Соф фойда.*⁶¹

Қисқа, лўнда берилиши иқтисодий матнлар тилининг соддалигини кўрсатиб туради.

Юқоридаги бобларимизнинг бўлимларида иқтисодий адабиётлардаги формулаларнинг аниқ берилганлиги хусусида тўхталиб ўтганмиз. Формулаларнинг изоҳи ҳам иқтисодий матннинг тил, услубига хос бўлган

⁶⁰ Жумаев Н., Зияев М. ва бош. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Молия, 2011. Б.178.

⁶¹ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия. – Т.: Ношир, 2011. Б.227.

хусусиятдир. Илмий ёки илмий-оммабоп услубда ёзиладими, албатта формула моҳиятига тўхталиб ўтилади.

Иқтисодий матнларда қўйиладиган сарлавҳалар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Тўғри, одатда, илмий асарлар, матнлар устида иш олиб борганда сарлавларнинг моҳиятига аҳамият қаратилмайди. Чунки асосий эътибор матн моҳияти, илмий фикрлар, аниқлик ва далилланишга қаратилган бўлади. Шундай бўлса-да, сарлавҳаларнинг ўзига хослиги илмий матннинг тили, услубини кўрсатиб туради.

Иқтисодий матнлар таҳлилида сарлавҳаларни таҳлил этиш ва таҳрир қилиш алоҳида эътиборга молик.

Сарлавҳа асар моҳияти, услубини ўзида кўрсатиб туради. Айнан матннинг нима хусусида эканлиги, қандай услубда ёзилганлиги унга қўйилган сарлавҳа орқали англашиб туради.

Таъкидлаш лозимки, бадиий публицистик матнлар сарлавҳасидан бадиийлик, шунингдек, таъсирчанлик кўриниб туради. Тасвирий ифода воситаларидан фойдаланилади. Аммо иқтисодий матнларга қўйилган сарлавҳаларда эса аксинча, жиддийлик, мураккаблик, баъзан оддийлик ва аниқликни кузатиш мумкин. Яъни:

“Ижтимоий иқтисодий жараёнларни тартибга солиш”, “Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти”, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали”, “Айланма капитал: мазмуни, таркибий тузилмаси ва фойдаланиш самарадорлиги”, “Фойда, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш”, “Бюджет лойиҳасини тузиш”, “Баҳоларни шакллантиришнинг объектив асослари”, “Давлат пенсияси ва жамғариб бориладиган пенсия фонди.”...

Кўриниб турибдики, сарлавҳалар жуда содда, шунингдек, илмий услубдан келиб чиққан ҳолда қўйилган. Сарлавҳа орқали керакли маълумот ва муаллиф фикрларини билиш мумкин.

“Бюджетлараро муносабатлар: тушунчаси, принциплари, мақсадлари, моделлари, шакллари, усуллари, воситалари” сарлавҳали

иқтисодий матн берилган. Матнда сарлавҳа мазмуни аниқ очиб берилган. Керакли маълумотлар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бу эса фойдаланувчининг иқтисодий матнни тушуниб олиши учун туртки бўлади.

Матн ва сарлавҳа ўртасида доимо мантикий боғлиқлик мавжуд бўлиши керак.

Одатда, сарлавҳаларга қўйиладиган асосий талаб матн мазмуни тўғрисида хабар бериш ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчини йўналтирувчи, даъват қилувчи, ишонтирувчи бўлиши ҳам уларга қўйилган асосий вазифадир. Деярли иқтисодий матн барча сарлавҳалари қўйилган талабларга жавоб беради. Аммо баъзи матнларнинг шундай сарлавҳалари борки, улар мураккаб, моҳиятини англаб олиш қийин.

Масалан:

“Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари”, “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини таъминлашнинг меъёрий ҳуқуқий асослари”.

Бундай сарлавҳалар ўқувчини чалғитиши, матн тили ва услубини англаб олиш учун тўсиқ бўлиши мумкин.

Иқтисодий матн сарлавҳаларининг тил, услуб жиҳатидан имкониятлари чекланмаган. Яъни матн билан боғлиқлиги, тушунарлилиги, қисқа, лўндалиги, таъсирчанлиги мақсадга мувофиқдир. Айнан мана шу хусусиятлар барча тур адабиётлар, хусусан, иқтисодга оид асарлар сарлавҳалари учун хос бўлиши керак.

Матн услубининг равонлиги, жумлаларнинг аниқлиги, сўз ва бирикмаларнинг такрорланмаслиги билан белгиланади.

Аммо шундай жумлалар борки, уларда услуб анча қусурли.

Заҳира валюталарини эмиссия қилувчи давлатлар доимо ички монетар сиёсат мақсадларига эришиши ва бошқа давлатларнинг заҳира

валюталарига бўлган талабини қондириш каби муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.⁶²

Катта миқдордаги талаб қилиб олингунча депозитлар кутилмаганда хорижий валюталарга нисбатан талабни юзага келтириши боис, валюта бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.⁶³

Молиявий инқирозни чуқурлашишининг олдини олиш мақсадида Буюк Британия банк тизимининг бир қисмини миллийлаштирди ва келгусида банклараро кредитлар бозорини рағбатлантиришни режалаштирган.⁶⁴

Бир вақтнинг ўзида, “ижтимоий таъминот” ва “ижтимоий суғуртани” параллел равишда амал қилувчи, мустақил бир тартибли иқтисодий категориялар сифатида талқин қилади, ижтимоий таъминотга...⁶⁵

Сўз ва бирикмаларнинг такрорийлиги ўқувчини чалғитади.

Иқтисодий молиявий барқарорлиги ва муайян банклар ва ҳолдингларнинг барқарорлиги банк фаолияти муҳитини вужудга келтирувчи таркибий ва макроиқтисодий омилларга, шунингдек, банк тизимининг ички мустаҳкамлик даражасига ва банк, унинг фирмалари ва миждозлари мажмуи сифатида тушуниладиган ҳар бир банк ҳолдинггининг барқарорлигигога боғлиқ бўлади.⁶⁶

Гапда “ва”, “барқарорлик”, “банк”, “ҳолдинг” каби сўзлар такрор қўлланилган.

Агар ҳудуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларнинг режалаштирилаётган суммаси ҳудуд бюджети даромадларининг прогноз

⁶² Жумаев Н., Зияев М. ва бош. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Молия, 2011. Б.68.

⁶³ Жумаев Н., Зияев М. ва бош. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Молия, 2011. Б.136.

⁶⁴ Вахабов А., Бобоқулов Т. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари. – Т.: Молия, 2012. Б. 65.

⁶⁵ Вахабов А. Маликов Т. Молия. – Т.: Ношир, 2011. Б.451.

⁶⁶ Вахабов А., Бобоқулов Т. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари. – Т.: Молия, 2012. Б. 40.

*қилинаётган умумий суммасидан ортиқ бўлса, ҳудуд бюджетига мазкур ҳудудда йигиладиган умумдават солиқлари қолдирилади...*⁶⁷

Иқтисодга оид матнлар илмий ва илмий-оммабоп услубда ёзилганлиги сабаб аниқлик ва лўндалик улар учун хос бўган хусусиятдир. Аммо матн таҳрири ва таҳлилига бир томондан ёндашиш ҳам ўзига хос услубий камчиликни юзага келтиради.

Матнга тил ва услуб жиҳатдан тўғри ёндашиш қуйидаги талаблар бажарилганлигини тақозо этади:

Сўз, сўз бирикма, жумлаларнинг кетма-кетлиги, ўзаро уйғунлиги;

- Имловий хатоларга йўл қўймаслик, сўз ва ҳарфларнинг ўрин алмашмаслиги, тиниш белгиларини тушириб қолдирилмаслиги;
- Сўзларни такрор қўлламаслик, зарур ўринда муқобилини келтириш;
- Терминлар соҳавий изоҳланиши..

Иқтисодга оид матнларда фактларга таянган ҳолда, юқорида қўйилган талабларга амал қилинса, ўқувчининг матн моҳиятини тушуниб олиши осон кечади. Бу эса иқтисодга оид матнларнинг тил ва услубини аниқ белгилаб беради.

⁶⁷ Сирожиддинова.З.Бюджетлар аро муносабатлар. – Т.: Молия, 2010. Б.93.

2.2. Иқтисодга оид матнлар таҳририда мантикий таҳлилдан фойдаланиш.

Иқтисодга оид матнлар таҳрир қилинганда мантикий фикрлаш қонунларидан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Мантиқ қонунлари ҳам тафаккурнинг барча шакллари учун умумий ва табиий ҳолда мавжуд. Уларни табиий оламнинг хусусий тимсоллари дейиш мумкин.

Таҳрир мантикининг айният, зиддиятсизлик (тўғрироғи, нозиддият), учинчиси истисно ва етарли асос деб номланган 4 та асосий қонуни бор. Бу қонунлар инсон тафаккури хусусиятларини фикрнинг аниқлиги ва ўзаро боғлиқлиги, ишончли ҳамда зиддиятлардан холи бўлиш зарурлигини акс эттиради.⁶⁸

Иқтисодий адабиётлар илмий услубда ёзилдими, албатта, илмийлик нуқтаи назаридан таҳрир қилинади. Таҳрир қилиш жараёнида эса мантиқ қонунларидан фойдаланилади.

Айният қонуни тушунчаларни бир хил талқин этиш ва улар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни сақлашни талаб этади.

Иқтисодий матнларда бир термин ёки мавзу моҳияти айтилиб, бир тушунчани ифода қилади, терминлар маъноси бир хил талқин этилади.

Давлат бюджети давлат пул маблағларининг (давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлашган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади.

...тор маънода марказлаштиришдан чиқариш деганда, муайян функциялар (ваколатлар)ни маҳаллий даражага бериш тушунилади.

Келтирилган мисолларда бир сўзнинг маъноси айтилиб, бир сўзнинг моҳиятига тўғри келяпти. Таҳрир жараёнида бунга катта эътибор қаратилган.

⁶⁸ Тоҳиров З. Т. Адабий таҳрир. – Т.: Тафаккур-Бўстони, Чўлпон ННМИУ, 2012. Б. 29.

Иқтисодий терминлар маъносини аниқ белгилаб олиш айният конунининг мезонидир. Шунинг учун ҳам деярли барча иқтисодий адабиётларда терминлар моҳияти аниқ белгилаб олинган.

Иқтисодий илмий матнларда сўзлар аниқ, лўнда қўлланилади, фактик материалларни келтириш билан фойдаланувчига кучлироқ таъсир қилади. Матндан ўқувчи ахборот олади, шу сабабли муаллиф ўз фикрини мисоллар асосида исботлаб, ишончли тарзда баён қилишга ҳаракат қилади. Ушбу конундан фойдаланилган ҳолда таҳрир қилинса, иқтисодий матнлар қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бера олади.

Тўғри мушоҳада юритишнинг, чин хулоса чиқаришнинг муҳим мезонлардан, баён тўғрилиги ва изчиллигининг ақлга мувофиқлигини белгиловчи мантикий асослардан яна бири зиддиятсизлик конунидир. Бу конун зид фикрлашни, айти бир нарса ҳақида қарама қарши фикр баён қилишни ман қилади.⁶⁹ Қуйидаги матнда шунга амал қилинган.

*Давлат бюджети даромадларнинг таркибий тузилмасида тўғри (бевосита) солиқлар ҳам ўз ўрнига эга. Улар ёрдамида бюджет даромадларининг ¼ қисми ташкил топаяпти. Унинг асосий қисми эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ҳиссасига тўғри келяпти.*⁷⁰

Иқтисодий илмий фикрлар бир-бирини инкор этмаган ҳолда берилган. Жумлалар аниқ тузилган.

*Агар давлат юридик ва жисмоний шахсларга қайтариш ва ҳақ (тўлов, тўлаш) асосида маблағларни тақдим этиб, кредитор (қарз берувчи) саналса, унда амалга оширилиши лозим бўлган операциялар ҳажми анча камаяди (пасаяди).*⁷¹

Иқтисодий адабиётларнинг таҳлили ва таҳририда зиддияларни аниқлаш муҳаррирдан соҳага оид билим билан бирга таҳрир мантикий асосларини билишни ҳам талаб қилади.

⁶⁹ Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантикий асослари. – Т.: Ўқув қўлланма, 1999. Б. 48.

⁷⁰ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия. – Т.: Ношир, 2011. Б.338.

⁷¹ Ўша китоб. Б.467.

Масалан, “Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиши даражасини ошириш йўналишлари” иқтисодий асарни таҳрир қилганда, айнан банк тизими, тижорат банкларининг капиталлашиши, уларнинг таркиби, замонавий ҳолати хусусидаги билимга етарли даражада эга бўлиб, илмий жихатдан ёндашилганлиги аён бўлади.

Зиддиятсизлик қонунининг бузилиши, қай тарзда юзага келмасин моҳият эътибори билан мантиқсизлик ифодаси бўлиб қолаверади. Бу эса асар мавқеини туширади.

Учинчиси истисно қонуни изчил фикрлаш мезони ҳисобланади. Бу бевосита зиддиятсизлик қонуни билан боғлиқ бўлиб, матн таҳририда бир вақтнинг ўзида амал қилинади. Нозиддиятсизлик қонуни бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил фикр ифодасининг бири, албатта тўғри, иккинчиси, хато эканлигини, яъни учинчиси бўлмаслигини кўрсатади.

*Агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш **ёки** бюджет харажатларнинг тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган тақдирдагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.*⁷²

*Субординациялашган қарз мажбуриятлари Фарбий Европа давлатларининг банклари амалиётида узоқ муддатли (8,10 йил) облигациялар **ёки** имтиёзли акциялар шаклида мавжуддир.*⁷³

“Ё”, “ёки” боғловчиси истисно қонунига дахлдор муҳокама шаклининг асосий унсури ҳисобланади. Шундай экан, иқтисодга оид илмий матнларни таҳрир қилиш жараёнида ортиқча изоҳларга эҳтиёж сезилмайди.

Иқтисодга оид матнларни таҳрир қилганда зиддиятли ифодалар умуман бўлмаслиги керак, деб тушунмаслик лозим. Баъзан моҳиятан келиб чиққан ҳолда зиддиятли сўз ва ифодаларга йўл қўйилиши мумкин.

⁷² Ўша китоб. Б.418.

⁷³ Вахабов А., Бобоқулов Т. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капиталлашиш даражасини ошириш йўналишлари. – Т.: Молия, 2012. Б. 48.

Илмий, хусусан, иқтисодга оид илмий адабиётлар таҳририда илмий-таҳлилий талаблар асосида иш кўриш керак бўлади. Чунки баъзи илмий фикрлар ва мулоҳазалар бевосита боғлиқ бўлмай қолиши мумкин, бунга учинчисини истисно қонунига мувофиқ бирини биртараф этиш имкони бўлмаса, “ёки” боғловчиси орқали баён этиш талаб этилади.

Хусусан, баъзи иқтисодий матнларда айнан мана шундай қоидадан келиб чиққан ҳолда матн таҳрир қилинган.

*...масалан, республика бюджетли ва вилоятлар бюджетли ўртасида ёки вилоят бюджетли ва туман, шаҳар бюджетлари ўртасида...*⁷⁴

*Бундан ташқари, ўзаро ҳисоб-китоблар қўйи бюджетли даромадлари ёки харажатларнинг чоракма-чорак тақсимланишига ўзгартиришлар киритилган ҳолда юзага келади.*⁷⁵

Иқтисодга доир гаплар аниқ мулоҳазалар асосида берилганлиги сабаб мантикий тафаккур қонунларидан ҳам таҳрир жараёнида унумли фойдаланилади, шунингдек, сўз, жумлалар аниқ берилади.

Иқтисодга оид матнлар таҳририда етарли асос қонундан фойдаланиш асарнинг янада мукамал таҳрир қилиниши учун замин яратади. Етарли асос қонуни фикрнинг бирин-кетин маълум тартибда изчил боғланиб келишини, ишонарли ва асосли бўлишини талаб қилади. Келтирилган муаллиф мулоҳазалари бошқа, бошқа фикрлар ёрдамида асосланганлигини белгилаш мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай тўғри фикр ўзининг етарли асосига, чинлигини исботловчи далилларга эга бўлмоғи, мантикий жиҳатдан асослаб берилиши лозим.⁷⁶

Етарли асос қонуни олдинги қонунларга сўзсиз амал қилинишини тақозо этади. Ўзаро айнан мувофиқ тушунчалар, бир-бирига зид бўлмаган мулоҳазаларнинг муайян тартибда кетма-кет изчил боғланиб келиши мантиқан асосланган, исботланган ифодани юзага келтиради. Турли

⁷⁴ Сирожиддинова.З.Бюджетлар аро муносабатлар. – Т.: Молия, 2010. Б.78.

⁷⁵ Ўша китоб. Б.79.

⁷⁶ Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантикий асослари. – Т.: Ўқув қўлланма, 1999. Б. 78.

тушунчалар ва фикрларнинг ички мазмуний-мантикий боғланиши тўғри фикрлашнинг муҳим шартидир.⁷⁷

Тўғри, иқтисодий матнларни таҳрир қилишда мантикий фикрлаш барча қонунларидан фойдаланилади, аммо етарли асос қонунидан фойдаланиш етакчи ўринда туради. Чунки иқтисодий адабиётлар илмий адабиётлар турига киритилганлиги сабаб факт далилланади. Бу эса етарли асос қонунига таянган ҳолда амалга оширилади.

Барча илмий адабиётлар сингари иқтисодий илмий асарларда ҳам далиллаш фикр баён қилишнинг ниҳоятда муҳим усули ҳисобланади. Илмий тафаккур аниқ далилни тақозо этади. Шунинг учун ҳам иқтисодий матн таҳририда аниқликка эътибор қаратиш лозим. Агар иқтисодий мулоҳазалар қанчалик равшан бўлса, унинг ифодаси ҳам шунчалик содда ва ихчам бўлади. Муҳаррир матнни таҳрир қилиш жараёнида шу сингари кирраларга эътибор бериши лозим. Бунда унга етарли асос қонуни қўл келади. Мана шу қонундан фойдаланган ҳолда матндаги жумлалар ўртасида мантикий боғланишларни, тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқлашга ҳаракат қилиб, ишончлилигини кўрсатиши лозим.

Мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулоти ва миллий даромадида солиқлар салмоғи ортиб, унинг даражаси ўртача 18%дан 30-50% фоизгача етиб боради.⁷⁸ Қашшоқликни қисқартириши ва иқтисодий ўсиш дастури асосида XVF йиллик фоиз ставкаси 0,5% ва сўндириши муддати 10 йил бўлган кредитларни ўзининг энг қашшоқ аъзо давлатларга тақдим этади.⁷⁹

Иқтисодга оид ҳар бир матн таҳрири, албатта, таҳрирнинг мантикий қонунларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши керак.

⁷⁷ Ўша китоб. Б.78.

⁷⁸ Ваҳобов А. Маликов Т. Молия. – Т.: Ношир, 2011. Б.339.

⁷⁹ Ўша китоб. 610- 611б.

3 боб. Иқтисодга оид адабиётлар таҳририда терминология масаласи.

Иқтисодга оид адабиётлар матни билан танишар эканмиз, табиийки, уларда қўлланилган соҳага хос терминлар барча учун бирдек тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Маълумки, иқтисодга оид илмий асарлардан айнан соҳа вакиллари фойдаланади. Мана шундай адабиётларда деярли атамалар луғати берилмайди, айниқса, хорижий тилдан кириб келган ва келаётган терминлар изоҳланмайди. Чунки соҳа мутахассиси назариётгина эмас эмас, балки амалиётда ҳам махсус терминлардан фойдаланадилар. Лекин илмий-оммабоп ва ўқув адабиётлари фақат соҳа талабалари учун, балки бошқа мутухассислик талабалари учун ҳам керакли манбадир.

Иқтисодга оид асарлар илмий услубда ёзилади, соҳага оид терминлардан фойдаланилади. Таҳрир жараёнида терминлар билан боғлиқ бўлган масала асосий ўринда туради. Яъни иқтисодий асарларни таҳрир қилганда терминология масалаларига катта эътибор бериш талаб этилади.

Терминология бирон соҳага оид махсус сўзлар йиғиндисидир. Муайян фан, техника, ишлаб чиқариш тармоғининг, санъат, ижтимоий фаолият соҳасининг тегишли тушунчалар тизими билан боғлиқ лексема мажмуи.

Терминологиянинг ривожланиши, бойиш йўллари ҳар хил: бошқа тиллардан сўз олиш; янги сўз яшаш, айрим грамматик категорияларнинг лексиколашуви, сўз бирикмасининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши ва бошқалар.⁸⁰

Иқтисодга оид терминлар барчаси асосий қисми бозор иқтисодиётига оид чет сўзлардир.

Масалан, маркетинг, менежмент, кредит, бизнес, бухгалтерия, лизинг, инвестиция ва ҳ.к.з. Иқтисодий терминлар айнан шу соҳага тегишли ва умумистеъмолдаги лексика таркибига кирмайдиган сўз ёки сўз бирикмалари ҳисобланади.

⁸⁰ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 4-ж. – Б. 396.

Умуман, термин билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаси. Умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади, бинобарин, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик birlikлардир. Систем характерга эгалик, ўз терминологик майдонида бир маънолиликка мойиллик, ҳис-туйғуни ифодаламаслик, услубий бетарафлик кабилар терминларга хос хусусиятдир.⁸¹

Айнан иқтисодий терминларда ҳам услубий бетарафлик, аниқлик ва соҳага тегишлилик мавжуд.

Муҳаррир иқтисодий адабиётлар матнини таҳрир қилиш жараёнида терминологиядан бохабар бўлиши, иқтисодий терминлар моҳиятини билиши зарур. Зеро, иқтисодий терминлар иқтисодий лексиканинг асосий қисмларидан бири бўлиб, иқтисодчи мутахассислар томонидан яратилади. Уларнинг қўлланилиши махсус терминологик луғат тузиш жараёнида назорат қилиб борилади. Уларнинг аниқлиги ва қатъийлашиши соҳани қай даражада эгаллаганлигини кўрсатиб туради.

Иқтисодчи мутахассисларнинг ҳар бир иқтисодга оид тушунчани ифода этувчи терминларни, ушбу соҳадан бохабар кишилар учун тушунарли бўлишини таъминлаши лозим. Мутахассис бўлмаган киши тушунарсиз сўзларга дуч келса, матн моҳиятини уқиб олиши қийинлашади. Шунинг учун ҳам иқтисодий адабиётлар таҳририда терминлар изоҳли луғатининг борлиги мақсадга мувофиқдир.

Соҳаларга оид терминлар кўплаб учрайдиган матнларни таҳрир қилишда фан, техника ва санъатга оид билим, малака талаб қилади. Ушбу матн орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

“Очиқ обунанинг биринчи даврасида ХИФ (хусусийлаштириш инвестиция фондлари) ларга сотилмай қолган акциялар биржа бозорида очик савдога қўйилади.”

⁸¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 4-ж. – Б. 396.

Юқоридаги матнда иқтисод соҳасидан хабардор бўлмаган киши «очиқ обуначи», «ХИФ», «инвестиция», «акция», «биржа» каби терминларнинг маъносига тушуниши қийин. Шу боисдан иқтисодий адабиётларни терминологик жиҳатидан таҳрир қилиш жуда катта масъулиятни талаб қилади.

Тўғри, соҳа вакиллари учун иқтисодга оид терминлар изоҳи зарур эмас. Аммо ўқув адабиётлари матнини таҳририда терминлар изоҳига алоҳида эътибор талаб этилади.

Терминларга умумистеъмолда қўлланилмайдиган сўз ва сўз бирикмалари киради. Масалан, «иқтисод», «пул», «банк», «бозор» кабилар умумистеъмол сўзлар қаторига киради. Гарчанд шундай бўлса-да, уларни омма учун тушунарли бўлган иқтисодий термин сифатида эътироф этиш лозим. Аммо «инвестиция», «қимматли қоғоз», «кредит», «брокер», «бланка», «ссуда» кабилар айнан иқтисодчи мутахассислар томонидан қўлланиладиган терминлар қаторини ташкил қилади.

Иқтисодий адабиётларда ишлатиладиган терминлар ўз қатламга оид, шунингдек, хорижий тилдан кириб келаётган терминлар сифатида таҳрир қилинади.

Илмий-иқтисодий адабиётларда асосан хорижий тилдан кириб келаётган терминларни учратиш мумкин.

Ўз қатламга оид терминларни эса илмий-оммабоп ва ўқув адабиётларида учратиш мумкин.

3.1. Ўз қатламга оид терминларнинг таҳлил ва таҳрири.

Терминларга қўйилган талаблардан бири тушунчани ифодалашдаги аниқликдир. Хусусан, иқтисодий терминларда айнан мана шундай хусусият бўлиб, ўз қатламга оид ёки хорижий тилдан ўзлашган бўладими, албатта, матн моҳиятини аниқ очиб бериши керак.

Ўз қатламга оид терминлар тил эгасига бўлганлар учун тушунарли бўлган сўз ва сўз бирикмаларидир.

Ҳозирги замон иқтисодиётига оид адабиётларда хорижий тилдан ўзлашган сўзлар анчагина. Уларнинг ўзбек тилида муқобили термин сифатида учрамайди.

Олий ўқув муассасаси, коллеж, академик лицей, талабалари учун нашр этилган ўқув адабиётларида ўз қатламга оид бўлган терминлардан ташқари хорижий тилдан кириб келан терминларни ҳам учратиш мумкин. Аммо терминларнинг қисқача изоҳли луғати берилганлиги ўқувчига матн моҳиятини тушунишни осонлаштиради.

Масалан, бозоршунослик - маркетинг;

Тадбиркорлик - бизнес;

Бухгалтерия - ҳисоб-китоб...

Аммо чет ва ўз қатламга оид терминлар маълум семаси билан бири-биридан фарқ қилади. Бири кенгроқ доирада қўлланилса, бири тор доирада ишлатилади.

Масалан, тадбиркор ўз қатламга оид. Ушбу термин фақатгина махсус термин сифатида таҳлил қилинмайди, балки умумистеъмолда кўп ишлатиладиган сўз эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу термин икки сўздан ташкил топган, бири “тадбир” сўзи бўлиб, йўл йўриқ, режа деган маъноларни билдиради, иккинчиси форсча «кор» сўзи бўлиб, ўзбекчада ”иш” маъносини билдиради. «Тадбиркор» сўзининг мана шу маъноларидан келиб чиқиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида пухта иш қиладиган, аниқ йўл-йўриққа бўлган киши тадбиркор деб кўрсатилган. Иқтисодий адабиётларда бу терминга аниқ ва қисқа таъриф берилган, шунингдек,

фақат бир маънода ишлатилган. Аммо «бизнес» терминдан назарий жиҳатдан фарқланишини ҳам деярли барча иқтисодий адабиётларда таъкидлаб ўтишган. Бу термин пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар асосида иш тутувчи шахс оти сифатида ишлатилади, барча иқтисодий адабиётларда шу мазмунда қўлланилади.

Кундалик турмушимизда бизда «маркет» эмас, балки «бозор» сўзи қўлланилади. Бу барча учун тушунарли.

Бозор сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатлари; ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғловчи механизм. Айнан иқтисодий адабиётларда ҳам бу терминга қуйидагича таъриф берилган.

*Бозор - бу сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ўзаро ҳаракат механизми, бошқа сўз билан айтганда, талаб ва таклиф муносабатидир.*⁸²

Иқтисодий адабиётларда бу термин билан боғлиқ керакли мавзулар аниқ очиқ берилган. Хусусан, «Меҳнат бозори», «Замонавий бозор», «қимматли қоғоз бозори» ...

Дарҳақиқат, “қимматли қоғозлар бозори” деган иқтисодий адабиётларда ишлатиладиган жумла омма учун тушунарли бўлмаслиги, керакли маълумотларни тушуниб олиши учун тўсиқ бўлиши мумкин. Аммо иқтисодий адабиётларда ишлатиладиган “бозор” ўз қатламга оид термин сифатида эътироф этилар экан, “қимматли қоғозлар бозори” деган жумлага қуйидагича таъриф берилган. Қимматли қоғозлар бозори - бу қимматли қоғозлар олди- сотдисини амалга оширадиган бозордир.

Тўғри, «қимматли», «қоғоз» сўзлари умумистеъмолда ишлатиладиган сўз ҳисобланади, аммо «қимматли қоғозлар бозори» дейилганда моҳиятан, айнан иқтисодга оид бирикма сифатида тушунилади. Буларни ҳам термин сифатида, ҳам умумистеъмолда қўлланиладиган полисемантик сўзлар сифатида учратиш мумкин.

⁸² Булотов А.С. Иқтисодиёт. – М.: Иқтисодий академия, 1995. Б.15.

Баъзан термин ўта оммалашиб, умумтил бирлигига айланиб қолади. Хусусан, «бозор», «пул», «тадбиркор», «қарз», «ҳисоблаш»... Аммо шундай сўзлар борки, умумистеъмолда кўп қўлланилади-ю, иқтисодий адабиётларда ҳам термин сифатида ишлатилади. «Талаб», «таклиф», «қимматли қоғоз», «жамғарма», «хазина» кабилардир. Бу сўзлар иқтисодий адабиётларда ўз қатламга оид терминлар сифатида қўлланилади. Термин сифатида қўлланилар экан, албатта, одатий, ўз маъносидан узоқлашиб, айнан иқтисодий тушунчани ифода этади.

Талаб бу, энг аввало, бирон бир махсулот ва хизмат турига бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Талаб бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга кодир пул билан таъминланган эҳтиёж.⁸³ Бу иқтисодий термин омма тилида шунчаки бирон бир нарсага эҳтиёж тушунилади. Аммо иқтисодиётга оид адабиётларда термин сифатида тор-бир маънода қўлланилади.

Ёки «таклиф» - бу сўзни омма ўзига керакли вазиятда ишлатади, фикрини билдиради. Аммо иқтисодий термин сифатида фақат иқтисодга оид адабиётларда учрайди.

Таклиф маълум давр ичида бозорга олиб чиқилган ёки чиқилиши мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажмини билдиради. Унинг кўриниши улгуржи савдо омборлари, чакана савдо шахобчалари-дўконлар, деҳқон бозорлари, дорихона, хизмат кўрсатиш ва бошқаларда сотишга қўйилган ва захирада турган товарлар, хизматлар шаклида бўлади.⁸⁴

Ўз қатламга оид умумистеъмолдаги сўзлар терминлар сифатида ҳам ўз маъносига эга.

Иқтисодий адабиётларда қўлланиладиган ўз қатламга оид шундай терминлар борки, улар омонимик маъносига ҳам эга. Аммо бунда маъно контекста фарқланади.

⁸³ Мирсаидов.М.С. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.191.

⁸⁴ Мирсаидов. М.С. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.191.

“Баҳо” сўзига иқтисодий адабиётларда қуйидагича таъриф берилган: «Баҳо-товар ва хизматлар қийматининг пулдаги ифодаси. Баҳо бозорда талаб ва таклиф мувозанатини ўрганиш омили ва уларни рағбатлантириш воситаси сифатида хизмат қилади»⁸⁵

Одатда, хорижий тилдан кириб келган муайян соҳага оид терминлар маъноси уни қабул қилган тил эгаси учун танишмаслиги мумкин. У қандай бўлса шундай қабул қилинади. Умухалқ тилида ишлатилганда бошқа маънода, соҳада термин сифатида ишлатиладиганлар алоҳида фарқланиши лозим бўлади.

“Хазина” сўзи соҳа жиҳатидан ёндашилса, қуйидаги маъно ифодасини беради: “Хазина мажбурияти қимматли қоғозларнинг очик тури, улар эгаларининг бюджетига пул маблағларини тўлаганлигини тасдиқлайди ва шу қоғозларг аэғалик қилишнинг бутун муддати мобайнида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини беради”.⁸⁶

Бу сўз умумхалқ нутқида архаизм сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилиш муносабати билан иқтисодга оид архаиклашган кўпгина сўзлар қайта тикланмоқда. Уларнинг айримларида эса маъно кенгайиши юз берди. Масалан, “хазина ” сўзи аввал фақат қимматбаҳо тошлар, ҳукмдорлар саройида улар бойлиги сақланадиган махсус жой маъно ифодасини берган. Бугнаги кунда у “ғазна” тарзида талаффуз этилади ва замонавий молиявий муассаса маъно ифодасини беради. Иқтисодий адабиётларда хорижий тилдан кириб келган бир қатор терминлар билан ўз қатламга оид яна кўплаб сўзлар қўлланилади.

Булар қуйидагилар: ҳисобхона (бухгалтерия), водомост (қайднома), қарз (кредит), ҳисоб рақами (счёт), сармоя (капитал) ва бошқалар.

⁸⁵ Мирсаидов М.И. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.191.

⁸⁶ Мирсаидов М.И. Тадбиркорлик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.183.

Иқтисодга оид илмий, илмий-оммабоп адабиётларда хорижий тилдан ўзлашган терминлар кўпроқ учрайди. Уларнинг ўз қатламга оид муқобилалари етакчилик қилади.

3.1. Ўзга қатламга оид терминларни қўллаш.

Иқтисодий адабиётларни таҳрир қилиш жараёнида албатта адабиётнинг қайси аудитория учун мўлжалланганлигини билиш лозим. Айнан мана шундан келиб чиққан ҳолда қўлланилган терминлар изоҳига ҳам алоҳида ёндашиш талаб этилади. Хусусан, илмий адабиётларда терминлар изоҳли луғати берилмайди, шунингдек, моҳиятига ҳам тўхталиб ўтилмайди. Аммо баъзи ўқув адабиётларида эса айнан мавзудан келиб чиққан ҳолда алоҳида сўзлар изоҳига тўхталиб ўтилади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, баъзи ўқув адабиётларида терминлар изоҳли луғати учрамайди. Бу эса фойдаланувчига қийинчилик туғдириши мумкин. Тўғри, соҳа вакиллари матн мазмуни, терминлар моҳиятини фаолиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириши мумкин. Аммо иқтисодиёт назарияси билимларининг дастлабки босқичларини ўзлаштираётган ўқувчига бу албатта, муайян даражада қийинчилик туғдириши мумкин.

Акция, аудит, менежмент, бизнес, маркетинг, рейтинг, инвестиция, вексел, кредит, рендит, регресс, поритет, бизнес, процедура, мониторинг, потенциал ва бошқалар.

Ўнлаб иқтисодий терминлар хорижий тилдан кириб келаётган айни пайтда, адабиётларда муқобилисиз берилмоқда. Шунингдек, баъзи сўзлар изоҳи ҳам берилмаган.

*Марказий банкнинг депозит сертификатларини жойлаштириш бўйича операциялар кўлами ва муомалада бўлиш муддатларнинг босқичма босқич ошириб борилиши янги пул массаси ўсишининг олдини олиш ва инфляция даражасининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.*⁸⁷

Ушбу гапда депозит сертификат, инфляция каби сўзлар хорижий тилдан кириб келган термин экан, адабиётда айни мана шу сўзлар изоҳига эътибор қаратилмаган.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.100.

Депозит - банкларга маълум бир муддатга фоиз асосида сақлаш учун берилган пул маблағлари ва қимматли қоғозлар.

Депозитли сертификат - банкда жойлашган депозитларни юридик шахсга нақд пулсиз шаклда тўлаш бўйича банк мажбурияти.

Инфляция пул бирлигининг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши.⁸⁸ Давлат бюджетининг тақчиллигини ноинфляцион қоплаш манбаси бўлган давлат қисқа муддатли облигациялари (ДКМО) 1996 йили март ойида муомалага чиқарила бошланди.⁸⁹ Айнан “облигация” сўзининг моҳияти кўрсатиб ўтилмаган.

Облигация - эмитентга қарз берилганини тасдиқловчи ва эгасига қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз.⁹⁰

Биржа брокерларининг харидор мижозлар ёки қимматли қоғозлар сотувчилари билан ўзаро муносабатлари ҳам узоқ вақтли, ҳам қисқа муддатли хусусиятга эга.⁹¹ “Брокер” сўзининг моҳияти луғатда қуйидагича изоҳланган.

Брокер (маклер, коммиссионер, куртье) - молиявий активлар савдосидаги воситачи (даллол), мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига олди-сотди битимини амалга оширади. Мижоз билан тузилган шартнома асосида олди-сотдининг маълум фоизи миқдорида мукофот олади.⁹²

Ушбу мисоллар олинган адабиётларда хорижий тилдан кириб келган терминлар изоҳи берилмаган. Ўқувчи уларни махсус луғатлардан излашга мужбур бўлади. Иқтисодиётга оид терминалар луғатда эса изоҳи бор, аммо изоҳнинг ўз-ўзи изоҳга муҳтож. Масалан:

Инвестиция - молиявий ва реал активларга капитал қўйиши.

⁸⁸ Шодиев.Х. Ҳамроев М.Молия. – Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. Б.268.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: Б. 61.

⁹⁰ Шодиев.Х. Ҳамроев М.Молия. – Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. Б.272.

⁹¹ Бутиков.Қ.Қимматли қоғозлар. – М.: Б.340.

⁹² Шодиев.Х. Ҳамроев М.Молия. – Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2002. Б.262.

Инвестиция фонди - инвестиция компанияси вазифасини бажаради ва индивидуал инвестор билан иш юритади. Шунингдек, очик ва ёпиқ инвестиция жамғармаларга бўлинади.

*Инвестиция компаниялари - қимматли қозғозларни, шу жумладан шахсий қозғозларни босиб чиқишни ташкил этувчи, уларни жойлаштириш, олди сотдисини ўз номидан ва ҳисобига амалга оширувчи юридик шахс.*⁹³

Ажратиб кўрсатилган сўз бирикмаларининг изоҳи эса фойдаланувчи учун тушунарли эмас.

Баъзи иқтисодий адабиётларда терминлар луғати берилмаган бўлса-да, айнан хорижий тилдан кириб келган иқтисодий терминларга матннинг ўзида таъриф бериб ўтилади. Шунингдек, тегишли қоидалар келтирилиб, исботи билан кўрсатилади. Хусусан, илмий оммабоп ва ўқув адабиётларида терминлар изоҳига айнан мана шундай ёндашилган.

Акция - акциядорлик жамиятининг устав жамғармасига муайян ҳисса қўшганликда гувоҳлик берувчи, унинг эгасига жамият фойдасининг бир қисмини олиш ва уни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қозғоздир.

*Акциялар бўйича уларнинг эгаси оладиган даромад дивидент деб аталади.*⁹⁴

*Илмий адабиётларда ва кенг доираларда кўпроқ “аграр сектор” деб аталувчи қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади.*⁹⁵

*Билвосита харажатлар фирма(корхона)да ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига қараб ўзгармаслик хусусиятигига эга.*⁹⁶

Ҳозирги кунда банклар томонидан бажариладиган транст, лизинг, факторинг операциялари кенг тус олмақда. Траст(ишонч) операцияларида мижозларга, банкларга банкдаги ўз маблағларига қимматли қозғозлар сотиб олиш ҳуқуқини ёки банкка топшириб қўйилган қимматли қозғозлар

⁹³ Шодиев.Х. Ҳамроев М.Молия. –Т.:Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. Б.268.

⁹⁴ Эргашев.Т.Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.134.

⁹⁵ Эргашев.Т.Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.40.

⁹⁶ Эргашев.Т.Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.17.

билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини ишониб топширадилар. Бу операциялардан келган даромадлар мижозлар билан банкларга банк ўртасида тақсимланади. Лизинг операцияларда банк ўз ихтиёридаги моддий мулкни кредит шартлари асосида ижарага топширади. Факторингда компания ўз дебиторлик қарзларини бошқариш бўйича операцияларни банк ихтиёрига бериб қўяди.⁹⁷

Клиринг - бу қимматли қоғозлар билан тузилган битимларни ижро этиш учун битимга тааллуқли ахборотни йиғиш, таққослаш, тўғрилаш(тузатиш) ҳамда бухгалтерлик ҳужжатларни тайёрлашга доир операцияларнинг бажарилишини назарда тутувчи ўзаро мажбуриятларни белгилаш, аниқлаш ва ҳисобга олиш бўйича амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади.⁹⁸

Долицияция - бу биронта учинчи шахсни вексел бўйича тўловчи этиб тайинлашдир.⁹⁹

Индоссамент - қимматли қоғоз, вексел устидаги ушбу ҳужжат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ёзув.¹⁰⁰

Юқорида келтирилган мисолларга терминлар луғатидан эмас, балки келтирилган мавзу таркибида изоҳ берилган. Фойдаланувчи матн билан танишиш жараёнида хорижий тилдан кириб келган терминлар маъноси билан бир вақтнинг ўзида танишиб боради. Бу эса мавзу моҳиятини тез ва осон тушуниб етиши учун кўмак бўлади.

Маълумки, ўзлашган терминлар ўзбек тилида сезиларли миқдорни ташкил қилади. Уларни қисқа вақт ичида ўз қатламга оид сўзлар билан алмаштириш айрим қийинчиликларни туғдиради. Албатта, бунда ўзлашган терминларни умуман ўзгартириш керак эмас демоқчи эмасмиз. Аммо терминлар моҳияти тўла талабга жавоб берса алмаштирган маъқул.

Масалан, фирма - корхона - фаолият олиб бориладиган жой.

⁹⁷ Эргашев.Т.Бозор иқтисодиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.150.

⁹⁸ Бутиков.Қ.Қимматли қоғозлар бозори. – М.: Б.223.

⁹⁹ Бутиков.Қ.Қимматли қоғозлар бозори. –М.: Б.280.

¹⁰⁰ Бутиков.Қ.Қимматли қоғозлар бозори. – М.: Б.48.

Тадбиркорлик – бизнес - фаолият тури.

Бозор - маркет - савдо сотиқ олиб бориладиган жой.

Аннуитет - молиявий рента - ҳамма аъзолари ижобий миқдорлар (тушумлар) бўлган, иккита кетма-кет келган тўловлар орасидаги вақт интерваллари доимий (масалан, облигациялар бўйича тўланадиган фоизлар) бўлган тўловлар оқими.

Банкнотлар - банк билетлари - пулнинг кредит белгилари.

Бронза вексел - сохта вексел - мавжуд бўлмаган фирмалар томонидан ёки фирибгарлик мақсадида чиқарилган вексел.

Брокер, маклер - даллол молиявий активлар савдосидаги воситачи.

Эмиссион банк - марказий банк - мамлакатнинг барча кредит тизимини бошқарувчи, пул бирликларни муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олиш бўйича ягона (монополь) ҳуқуққа эга бўлган банк.

Тўғри, ҳар иккала сўз бир хил моҳиятни билдирмайди, маълум маънода бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Аммо деярли бир хил мазмунни қамраб олгани учун ҳам хорижий тилдан ўзлашган баъзи сўзларнинг ўзбекча варианты адабиётларда келтириб ўтилади. Таъкидлаб ўтадиган бўлсак, айнан хорижий тилдан кириб келган сўзларнинг ўз қатламга ўзгартирилганлиги фойдаланувчининг тушунча моҳиятини англаб олиши учун осон кечадиган жараёндир.

Иқтисодий адабиётларда берилган терминлар қисқача луғатида адабиётларнинг сўнгги саҳифаларида эмас, балки мавзу, матннинг сўнгги қисмида таянч сўз ва бирикмалар берилади. Аслида эса улар изоҳли луғат тарзида берилгани маъқул.

Луғатда: рекреацион салоҳият - инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиш учун минтақанинг имкониятлари ва тайёрлиги деб изоҳланади.

Ижтимоий фондга унинг муассислари томонидан берилган молк-мулк фондининг мулки бўлади.

Луғатда: фонд - мақсадли йўналтирилган пул маблағлари ва моддий маблағлар ёрдамида моддий ёрдам кўрсатувчи муассаса, молия ташкилоти.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хориждан тўғри ва портфель инвестицияларни жалб қилиш, минтақаларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобига минтақаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти кўламини кенгайтир иш маҳаллий тузилмаларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Луғатда: Инвестиция - маҳаллий иқтисодиётнинг муайян тармоғига реал капитални тўғридан тўғри жойлаштириш.

Хорижий тилдан кириб келаётган терминларни иқтисодий адабиётларда қўллаш жараёнида албатта уларнинг моҳиятига чуқурроқ ёндашиш талаб этилади. Шунингдек, ўз қатламдаги муқобили билан бир қаторда берилса, фойдаланувчи соҳа ҳақидаги маълумотни мукаммал ўзлаштира олиш имкониятига эга бўлади.

Масалан: муниципал (маҳаллий) бозор.

Барча иқтисодий адабиётларда ўз қатлам ва хорижий тилдан кириб келаётган сўзлар бирикмасидан ташкил топган терминларни учратиш мумкин.

Масалан: микроиқтисод, макроиқтисод, микродаража...

Бу сингари терминлар таркибидаги “микро”, “макро” сўзига луғатда “кичик” ва “катта” дая таъриф берилар экан, калка қилинса терминлик моҳияти йўқолади. Шунинг учун деярли барча иқтисодий терминлар ўзгартирилмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, хорижий тилга оид терминлар илмий адабиётларда қўлланилар экан, калка қилинмайди, балки маъноси изоҳланади, зарур ўринларда муқобили қавс ичида берилади.

Терминларни бундай қўллаш фақат иқтисодчи олимлар томонидан эътиборга олинishi эмас, балки муҳаррирлар эътиборида бўлиши лозим.

Хулоса

Маънавият ва маърифат инсон онгини шакллантирувчи, уни ҳар бир соҳа билан ўзаро алоқада бўлиши учун кўмак берувчи асосий тушунчадир. Таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисод ҳам, у билан боғлиқ соҳалар ҳам албатта, инсонни шакллантирувчи, фан билан таништирувчи, уларни ҳар томонлама ривожлантирувчи соҳа ҳисобланади. Унга бўлган эътибор кун сайин ижобий томонга ўзгарар экан, шубҳасиз, таълим жараёнида ҳам уларни мукаммалроқ ёритиб бориш мақсадида етарлича иқтисодий адабиётлар ёзиб берилмоқда. Хусусан, дарсликларга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки ёш-авлодни бир томондан эмас, балки ҳар томонлама шакллантириш ҳам уларнинг дунёкарашига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодни билиш, тармоғини ўрганиб, таҳлил қилиш натижасида келажақда соҳа билан боғлиқ бўлган амалий, назарий жараёнлар ҳам мукаммалроқ ўрганилади.

Танланган мавзу ҳар томонлама таҳлил қилинди. Ютуқ ва камчиликлар билан бирга олиб борилган ислоҳотлар, янгиланишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳар бир иқтисодий адабиётнинг ўзига хос қирралари кўрсатилди. Ўрганиш жараёнида деярли барча иқтисодий адабиётларнинг мураккаб ёзилганлиги, илмий атамаларнинг изоҳсиз қўлланилганлиги, формулаларнинг моҳиятига тўлиқ ёндашилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларни бартараф этиш мақсадида иқтисодий адабиётнинг ҳар бир турига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, терминларнинг изоҳи, уларнинг маъноси ва ўз ўрнида қўлланилиши мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди. Асосан, илмий жиҳатдан ёндашилди. Назарий таҳлиллар мисоллар билан очиқ берилди.

Диссертацияда аввало, иқтисодий адабиётлар ва уларнинг соҳада тутган ўрни қандай эканлиги хусусида ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

- иккинчидан, иқтисод соҳасидаги янгиланишлар, уларнинг адабиётларда ёритилиши кўрсатилган;
- учинчидан, ҳар бир бобда асарларнинг мукаммал ва тушунарлироқ ёзилиши хусусида тўхталиб ўтилди, шунингдек, адабиётни ёзишда қандай

илмий асардан фойдаланганлиги ҳақида ҳам очиб беришга ҳаракат қилинди;

- тўртинчидан, асосий объект ва предмет қилиб олинган иқтисодга оид асарларда маълум ютуқлар қаторида турли камчиликлар кўндаланг бўлиб қолган. Диссертация ишида бу камчиликлар ечими хусусида фикр ва мулоҳазалар айтишга ҳаракат қилинди;

- бешинчидан, матн таҳририда таҳлил қонуниятларидан фойдаланиб, уларнинг ўзига хослигини кўрсатиш, мавзу танланиши, соҳа қирралари, қисқа изоҳ, термин ва формулаларни ёритиб беришнинг ўзига хослиги таҳлилий жиҳатдан ўрганиб чиқилди;

- олтинчидан, ҳар бир адабиёт камчиликларини бартараф этиш мақсадида изоҳлар, таклифлар билдириб борилди.

Баъзи бир иқтисодий адабиётни ўқиш жараёнида уларнинг моҳиятини тушуниш жуда қийин. Фойдаланувчининг етарли билим олишини чеклаб қўяди. Айнан мана шу сингари камчиликларни бартараф этиш мақсадида ишни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб, таҳлил қилдик. Унинг илмий, амалий аҳамияти мисоллар, таҳлилларда кўриниб туради.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисод – бу келажак. Уни ўрганиш, қирраларини бартараф этиш мақсад экан, шубҳасиз, нашр этиладиган ҳар бир иқтисодий адабиётнинг ўрни беқиёс. Илмий, илмий-оммабоп ёки дарслик бўладими, албатта, қўйилган талабларга таяниб, ёшларнинг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ёзиш зарурлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Шунингдек, иқтисоднинг ҳар бир тармоғида ёзиладиган адабиёт моҳиятига ҳам чуқурроқ ёндашиш зарур. Тўғри, иқтисод – бу мураккаб соҳа. Асосан илмий жиҳатдан ёндашилади. Аммо илмийлик билан бирга оммабоплик ҳам соҳа сирларини очиб беришда асос вазифасини ўташи лозим. Шундагина фойдаланувчи ўзига керакли маълумотга эга бўлади ва албатта иқтисод соҳасининг ривожига ҳиссасини қўша олади.